



10

ТА ЭНГ МУҲИМ  
ҲУҚУҚИЙ КИТОБ



# СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

— 4 —

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

# СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

*(амалий қўлланма)*

«Адолат»  
миллий ҳуқуқий ахборот маркази  
Тошкент – 2021

УЎК: 342.4(575.1)(072)

КБК: 67.400.1(5Ў)я7

Ў 32

Сиёсий ҳуқуқлар (амалий қўлланма) – Т.: «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази, 2021 й. – 96 б.

*Ўзбекистон Республикаси адлия вазири ўринбосари  
М.Икрамовнинг умумий таҳрири остида*

ISBN 978-9943-7296-2-9

УЎК: 342.4(575.1)(072)

КБК: 67.400.1(5Ў)я7

Ў 32

ISBN 978-9943-7296-2-9

© «Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази

# МУНДАРИЖА

---

<b>КИРИШ</b> .....	<b>5</b>
<b>I. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА БЕВОСИТА ВА ЎЗ ВАКИЛЛАРИ ОРҚАЛИ ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ</b> .....	<b>7</b>
Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши .....	9
Референдум .....	12
Жамоатчилик назорати .....	16
Сайлов .....	20
<b>II. ФУҚАРОЛАРНИНГ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ВА БОШҚА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИГА УЮШИШ, ОММАВИЙ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ</b> .....	<b>42</b>
Жамоат бирлашмалари .....	43
Касаба уюшмалари .....	50
Сиёсий партиялар .....	61
<b>III. ФУҚАРОЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА, МУАССАСАЛАРИГА ЁКИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ</b> .....	<b>73</b>
Мурожаатнинг турлари ва шакллари .....	74
Мурожаатларга қўйиладиган талаблар .....	76



Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш .....	77
Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси .....	79
Мурожаат этиш ҳуқуқини амалга ошириш кафолатлари .....	82
Мурожаатларни бериш тартиби ва муддатлари .....	84
Мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатлари .....	86
Вояга етмаган шахсларнинг мурожаатлари .....	88
Айрим мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби .....	89
Мурожаатларга жавоблар .....	90
Мурожаатларни кўрмай қолдириш ва уни кўриб чиқишни тугатиш .....	91
Мурожаатлар тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик масалалари .....	93
<b>СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРГА ОИД НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ .....</b>	<b>95</b>

# КИРИШ



Мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларнинг туб замирида инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мужассамдир. Мазкур ҳуқуқларни амалга оширишда аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш долзарб масала ҳисобланади. Сабаби, фуқароларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини билиши ва уни ҳаётда қўллай олиши ҳамда қонунларга оғишмай риоя этиши давлатнинг ривожланиши учун замин яратади.

Давлатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий юридик кучга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Унда фуқароларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари билан биргаликда сиёсий ҳуқуқлари ҳам белгиланган.

Сиёсий ҳуқуқлар ҳар бир мамлакат фуқаросининг муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари таъминланиши бу давлатнинг сиёсий майдонда ривожланишига хизмат қилади.

Сиёсий ҳуқуқлар бошқа ҳуқуқлардан фарқли ўлароқ фақатгина муайян мамлакат фуқароларигагина тегишли бўлади. Яъни сиёсий ҳуқуқлардан фақатгина ушбу мамлакат фуқароларигагина фойдалана олиши мумкин ҳисобланади.

Ҳар бир фуқаро ўзининг сиёсий ҳуқуқларидан фойдаланган ҳолда, давлат ва жамият ҳаётида ўз позициясини эркин билдира олиши мамлакатда демократиянинг ривожланишига хизмат қилади.

Фуқароларни сиёсий ҳуқуқларидан хабардор қилиш, уларнинг бу борадаги ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш мақсадида «Сиёсий ҳуқуқлар» номли амалий қўлланма ишлаб чиқилди.

Амалий қўлланмада фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бажаришда бевосита ва ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи, уларнинг касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқи, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига мурожаат этиш ҳуқуқига оид атама ва тушунчаларга изоҳ берилган.

Бунда сиёсий ҳуқуқлар мавзулар бўйича бўлинган ҳолатда берилган. Бу керакли мавзуларни тезда тушуниб олишга, шунингдек, атама ва тушунчаларни осон топишга ёрдам беради.

Ушбу қўлланма фуқароларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимини ва ҳуқуқий маданиятини оширишга хизмат қилади, деган умиддамиз.

# I. ФУҚАРОЛАРНИНГ ЖАМИЯТ ВА ДАВЛАТ ИШЛАРИНИ БАЖАРИШДА БЕВОСИТА ВА ЎЗ ВАКИЛЛАРИ ОРҚАЛИ ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

---

«Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш, шунингдек давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини ривожлантириш ва такомиллаштириш йўли билан амалга оширилади.

Давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби қонун билан белгиланади».

**Ўзбекистон Республикаси  
Конституцияси  
32-модда**

Маълумки, барча фуқаролар жамият ва давлат ишларини амалга оширишда иштирок этишга ҳақлидир. Бу эса мамлакатда демократиянинг белгилари мавжудлигидан, давлат халқ манфаати йўлида хизмат қилишидан далолат беради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 32-моддасига кўра, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга.

лиштиришига эришиш

мамлакатда давлат органлари ва демократик тарзда ташкил эти-  
лган широк аҳоли иштиришига эришишнинг асосий шартлари бу орқали  
барки улар томонидан сайлаб қўйилган вакиллар орқали жам-  
иат ўз вакиллари орқали бошқарувда фуқаролар ўзлари эмас  
амалга оширишига намён бўлади.

лат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати  
тирок этиши ўзинини ўзи бошқариш, реферendumлар ўтказиш, дав-  
- фуқаролар ўзи бевосита жамият ва давлат бошқарувда иш-  
ришдаги сиёсий фаолияти амалга оширишига эришилади.




орқали фуқароларнинг жамият ва давлат ширкини амалга оши-  
да бир манбада бевэтироқ этилади. Шу сабабли, юқоридегилар  
- Шунингдек, ўзбекистонда халқ давлат ҳокимиятини бир-

давлат органла-  
рининг фаолияти  
устидан жамоат-  
чилик назоратини  
ривожлантириш ва  
такомиллаштириш.

давлат ор-  
ганлари  
демократик  
тарзда таш-  
кил этиш;

референ-  
думлар  
ўтказиш;

ўзини ўзи  
бошқариш;



Бундай иштирок этиш қийиндигилар орқали амалга оширилади:

---

---

## ФУҚАРОЛАРНИНГ ЎЗИНИ ЎЗИ БОШҚАРИШИ

---

---

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши фуқароларнинг маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ўз манфаатларидан, ривожланишнинг тарихий хусусиятларидан, шунингдек, миллий ва маънавий қадриятлардан, маҳаллий урф-одатлар ва анъаналардан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш борасидаги Конституция ва қонунлар билан кафолатланадиган мустақил фаолиятидир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Конституция, «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида»ги Қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Фуқаролар шаҳарчаларда, қишлоқларда, овулларда, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ва овуллардаги маҳаллаларда ўзини ўзи бошқаришга доир ўз конституциявий ҳуқуқини фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари кафолатларига мувофиқ фуқаролар йиғинлари (фуқаролар вакилларининг йиғилишлари) орқали амалга оширади.

Фуқаролар жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, бевосита ёки ўзларининг сайланадиган вакиллари орқали ўзини ўзи бошқаришда тенг ҳуқуқларга эга. Уларнинг ўзини ўзи бошқаришга доир ҳуқуқларини чеклаш тақиқланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида амалга оширилади.

**Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари** — давлат ҳокимияти органлари тизимига кирмайдиган ва қонунчилик билан берилган ўз ваколатларини тегишли ҳудуд доирасида амалга оширадиган шаҳарчалар, қишлоқлар ва овуллар, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги ҳамда овуллардаги маҳаллалар фуқаролар йиғинлари ҳисобланади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг аралашувига йўл қўйилмайди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари юридик шахс ҳуқуқларидан фойдаланади, ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади, шунингдек, Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ҳисобга олиниши лозим.

Фуқаролар йиғини аҳоли манфаатларини ифодалайди ва унинг номидан тегишли ҳудуд доирасида амал қиладиган қарорлар қабул қилади. Фуқаролар йиғинида 18 ёшга тўлган ва тегишли ҳудудда доимий яшаётган шахслар қатнашади.

Фуқаролар йиғинига раис (оқсоқол) бошчилик қилади. Фуқаролар йиғини раисни, унинг ўринбосарларини (фуқаролар йиғини раисининг кексалар ва фахрийлар ишлари ҳамда ёшлар масалалари бўйича маслаҳатчиларини) ва маслаҳатчиларини, фуқаролар йиғини фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича комиссияларнинг ҳамда тафтиш комиссиясининг раисларини ва аъзоларини сайлайди.

### **Раислик лавозимига номзодлар Ўзбекистон фуқаролари бўлиши, қоида тариқасида**

---



олий маълумотга эга бўлиши;



бевосита сайловга қадар камида 5 йил тегишли ҳудудда доимий яшаётган бўлиши;



ташкilotчилик қобилиятига, давлат органларида ёки нодавлат нотижорат ташкilotларида ёхуд тадбиркорлик ва бошқа хўжалик фаолияти соҳасида иш тажрибасига эга бўлиши;



шунингдек, ҳаётий тажрибага ва аҳоли ўртасида обрў-эътиборга эга бўлиши керак.

Қуйидаги шахслар фуқаролар йиғини раиси лавозимига сайланиш учун номзод этиб кўрсатилиши мумкин эмас:

- суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
- оғир ёхуд ўта оғир жиноятларни содир этганлик учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёки судланганлиги олиб ташланмаган шахслар;
- суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар;
- ҳақиқий ҳарбий хизматдаги шахслар;
- диний ташкилотларнинг профессионал хизматчилари.

Сайловда фуқароларнинг иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Уларни сайловда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга таъсир кўрсатишга, шунингдек, уларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас. Сайловда фуқароларнинг иштирок этиш ҳуқуқларини бирон-бир тарзда бевосита ёки билвосита чеклаш тақиқланади.

Раисни сайлаш ҳуқуқига сайлов куни 18 ёшга тўлган ҳамда шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳардаги, шаҳарчадаги, қишлоқдаги, овулдаги маҳалла ҳудудида доимий яшовчи фуқаролар эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилганлар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиши мумкин эмас.

Фуқаролар йиғини раиси уч йилга сайланади.

Фуқаролар йиғини раиси белгиланган тартибда ўлимни қайд этиши мумкин. Раис хат-хабарларни, шу жумладан, пул ва посилкаларни олишга, иш ҳақини ҳамда меҳнат муносабатлари билан боғлиқ бўлган бошқа тўловларни олишга, муаллифлар ва ихтирочиларга тўланадиган ҳақларни, пенсиялар, нафақалар ва стипендияларни, шунингдек, банклардан суммаларни олишга ишончномаларни белгиланган тартибда тасдиқлаши мумкин.

Маълумки, Ўзбекистонда жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, бу эса умумий овозга қўйиш, яъни референдум ҳисобланади. Бунда



фуқаролар ўз хоҳиш иродасини ва тегишли масала юзасидан таклифларини референдумларда иштирок этиш орқали билдиришлари мумкин бўлади.

---

---

## РЕФЕРЕНДУМ

---


---

**Референдум** – Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадларида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир. Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади ва фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин. Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ўтказилади.

Ўзбекистонда референдум ўтказиш ҳуқуқи Конституцияда белгилаб қўйилган. Унинг 9-моддасига мувофиқ, жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари халқ муҳокамасига тақдим этилади, умумий овозга (референдумга) қўйилади. Референдум ўтказиш тартиби «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги Қонуни билан белгиланади.





Референдум натижалари расман эълон қилингандан кейин бир йил давомида мазмун ёки маъносига кўра худди шундай савол қўйилган референдум ўтказилмайди.

Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунида ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир. Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон фуқароси референдумда иштирок этишга тўла ҳақлидир. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ижро этиш муассасаларида сақланаётган шахслар референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга эмаслар.

Келиб чиқиши, ижтимоий ва мулкӣ мавқеи, ирқӣй ва миллий мансублиги, жинси, маълумоти, тили, динга муносабати, машғулотининг тури ва хусусиятига қараб фуқароларнинг референдумда қатнашиш ҳуқуқларини бевосита ёки билвосита чеклаш ман этилади.

Референдум фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини умумий, тенг ва тўғридан-тўғри билдириши асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади.

Фуқароларнинг референдумда иштирок этиши ихтиёрий ва эркиндир. Ўзбекистон Республикаси фуқароларини референдумда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка мажбур қилиш мақсадида уларга, шунингдек, хоҳиш-иродасини эркин билдиришига таъсир кўрсатишга ҳеч ким ҳақли эмас.

Фуқаролар референдумда тенг асосларда иштирок этадилар. Ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Референдумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш очиқ ва ошкора амалга оширилади.

Фуқаролар, жамоат бирлашмалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари референдум ўтказилишини ёқлаб ёки унга қарши, референдумга қўйилаётган қонун лойиҳаси, амалдаги қонун ёки бошқа масалани ёқлаб ёки унга қарши монеликсиз ташвиқот олиб боришга ҳақлидирлар.

Референдумга қўйиладиган масалалар юзасидан ташвиқот олиб бориш мақсадида радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш мумкин.

Ташвиқотни фуқароларга бепул ёки имтиёзли шартларда то-варлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматлари бундан мустасно), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Референдум ўтказиладиган кунда ва референдумни ўтказишга бир кун қолганда ташвиқот юритишга йўл қўйилмайди.

Референдумни ўтказиш ташаббуси билан фуқаролар, Олий Мажлис палаталари, Президент чиқиши мумкин. Ушбу субъектлар референдум ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни кўрсатишда, референдумга қўйиладиган қонун лойиҳасини ёки ўзга қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда, шунингдек масала таърифини (моҳиятининг аниқ ифодасини) белгилашда тенг ҳуқуқларга эгадирлар.

Ўзбекистон фуқаролари агар, референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг камида беш фоизини ташкил этган фуқаролар имзоси тўпланган бўлса, башарти бунда имзолаётган фуқаролар миқдори ҳар бир маъмурий-ҳудудий тузилма (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳри) бўйича бир текис ва мутаносиб равишда тақсимланган бўлса, референдумни ўтказиш ташаббуси ҳуқуқини амалга оширадilar.

Ўзбекистоннинг референдумда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқароси ёки фуқаролар гуруҳи референдумни ўтказиш тўғрисидаги ташаббусни қўллаб-қувватловчи имзоларни тўплаш учун камида юз кишидан иборат ташаббускор гуруҳни тузиши мумкин.

Референдум Олий Мажлис томонидан тайинланади. Президент референдум ўтказиш ташаббускори бўлган тақдирда у Олий Мажлисга мурожаат этиши ёки референдум ўтказиш тўғрисида ўз қарорини қабул қилиши мумкин. Референдумга қўйилаётган масаланинг матни референдум тайинланганда маъқулланади.

Жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш учун жамоатчилик назорати ўта муҳим ҳисобланади. Сабаби, айнан жамоатчилик назорати орқали мамлакат ҳаётида ўзгартирилиши керак бўлган муносабатлардан, қонунбузилиш ҳолатларидан ва аҳолининг таклиф ва мулоҳазаларидан хабардор бўлиш мумкин бўлади.

---

---

## ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

---

---

**Жамоатчилик назорати** – бу давлат органлари ва муассасалари фаолияти устидан фуқаролар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситаларининг қонун доирасида олиб бориладиган назоратидир.

Ўзбекистонда давлат органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назорати амалга оширилади. Жамоатчилик назоратини амалга ошириш тартиби «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинади.

» Жамоатчилик назоратини амалга оширишда бевосита қатнашувчи субъектлар доираси қонун билан белгилаб берилган. Улар қуйидагилар ҳисобланади:



Ўзбекистон  
фуқаролари;



фуқаролар-  
нинг ўзини  
ўзи бошқа-  
риш  
органлари;



қонунчиликда бел-  
гиланган тартибда  
рўйхатга олинган  
нодавлат нотижорат  
ташкилотлари;



оммавий  
ахборот  
воситалари.

Жамоатчилик назорати жамоатчилик кенгашлари, комиссиялари ва бошқа жамоатчилик ташкилий тузилмалари томонидан ҳам қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши мумкин.

Мазкур субъектлар давлат органларига аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, шунингдек, қонунчиликда белгиланган тартибда уларга сўровлар юборишга ҳақли. Уларнинг

муурожаатлари ва сўровлари қонунчиликда белгиланган тартибда давлат органлари томонидан кўриб чиқилади.

Жамоатчилик назорати субъектларининг ахборот олишга бўлган ҳуқуқи, агар мазкур ахборот шахсга доир маълумотлар ёхуд давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотлар жумласига киритилган бўлса, чекланиши мумкин.

Давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг:

- қабул қилинаётган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда, қарорларда, шунингдек, ривожланиш давлат, тармоқ ва ҳудудий дастурларида жамоатчилик манфаатларини, жамоатчилик фикрини ҳисобга олишга;
- фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга;
- ўз зиммасига юклатилган, ижтимоий ва жамоатчилик манфаатларига дахлдор бўлган вазифалар ва функцияларни бажаришга;
- давлат хизматларини кўрсатишга;
- ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган битимлар, шартномалар, лойиҳалар ва дастурларни бажаришга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объектидир.

Жамоатчилик назорати қонунийлик, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари устуворлиги, жамоатчилик назоратини амалга оширишда иштирок этишнинг ихтиёрийлиги, жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг оммавийлиги ва очиқлиги, жамоатчилик назорати субъектларининг ҳолислиги ва беғаразлиги, жамоатчилик назорати натижаларининг ишончлилиги, жамоатчилик назорати субъектларининг давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятига асоссиз аралашувига ва уларга ғайриқонуний таъсир кўрсатишига йўл қўйилмаслиги каби принциплар асосида олиб борилиши лозим.

**Жамоатчилик  
назоратининг  
шакллари:**

- ✔ давлат органларига мурожаатлар ва сўровлар;
- ✔ давлат органларининг очиқ ҳайъат мажлисларида иштирок этиш;
- ✔ жамоатчилик муҳокамаси;
- ✔ жамоатчилик эшитуви;
- ✔ жамоатчилик мониторинги;
- ✔ жамоатчилик экспертизаси;
- ✔ жамоатчилик фикрини ўрганиш;
- ✔ фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан давлат органлари мансabdор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитиш.

**Жамоатчилик муҳокамаси** – ижтимоий аҳамиятга молик масалаларни, шунингдек, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳаларини оммавий муҳокама қилишдир.

Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ва очиқ ўтказилади. Жамоатчилик муҳокамасининг иштирокчилари жамоатчилик муҳокамасига киритилган масалалар юзасидан ўз фикрини эркин билдиришга ва таклифлар киритишга ҳақли. Жамоатчилик муҳокамаси оммавий ахборот воситалари орқали ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ҳам ўтказилиши мумкин.

**Жамоатчилик эшитуви** – давлат органларининг, улар мансabdор шахсларининг фаолиятига тааллуқли ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ёхуд фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига дахлдор масалаларни муҳокама қилиш учун ташкил этиладиган йиғилишдир.

**Жамоатчилик мониторинги** – давлат органларининг ва улар мансабдор шахсларининг фаолиятини жамоатчилик манфаатига дахлдор ахборотни йиғиш, умумлаштириш ва таҳлил этиш орқали кузатишидир.

**Жамоатчилик экспертизаси** – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва давлат органларининг бошқа қарорлари лойиҳалари фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига, жамият манфаатларига мувофиқлигини аниқлаш учун уларни ўрганиш ҳамда баҳолашдан иборатдир.

**Жамоатчилик фикрини ўрганиш** – турли ижтимоий гуруҳларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари тўғрисидаги, давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг қонунчилик талабларига риоя этишига, фуқароларнинг, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини таъминлашга доир фаолияти тўғрисидаги фикрини баҳолаш мақсадида ахборотни йиғиш, умумлаштириш ҳамда таҳлил этишдан иборатдир.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари давлат органлари мансабдор шахсларининг ҳисоботлари ва ахборотини эшитади:

- Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларининг фуқаролар йиғинлари фаолияти соҳасига кировчи масалалар юзасидан ҳисоботларини;
- ички ишлар органлари профилактика инспекторларининг, жойлардаги таълим муассасалари раҳбарларининг ҳисоботларини;
- тегишинча оилавий поликлиникалар ва қишлоқ врачлик пунктлари раҳбарларининг ахборотини;
- тегишли ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ҳудуднинг санитария ҳолати, уни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш масалаларига доир ҳисоботлари.



Референдумларга, сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказиш, шунингдек мудофаа, жамоат хавфсизлиги ва ҳуқуқ-тартибот, тезкор-қидирув фаолияти, суриштирув, дастлабки тергов, суд ишларини юритиш, жазоларни ижро этиш соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш алоҳида қонунчилик билан тартибга солинади. Яъни ушбу соҳалардаги жамоатчилик назорати «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги Қонунга эмас ўзининг алоҳида қонунчилик ҳужжатларига таянган ҳолда ўтказилади.

Жамоатчилик назорати тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

---

---

## САЙЛОВ

---

---

Вакиллар халқ томонидан сайланиши бу, давлатда демократиянинг мустақамланишига, улар ўз ваколатини халқ манфатини кўзлаб амалга оширилишига замин яратади. Шундан келиб чиқиб, давлат органларини демократик тарзда ташкил этилишига эришилади.

Ўзбекистон халқи номидан кимлар вакил бўлиш ҳуқуқига эга деган савол туғилиши мумкин. Конституциянинг 10-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон халқи номидан фақат у сайлаган Республика Олий Мажлиси ва Президенти иш олиб бориши мумкин. Жамиятнинг бирон-бир қисми, сиёсий партия, жамоат бирлашмаси, ижтимоий ҳаракат ёки алоҳида шахс Ўзбекистон халқи номидан иш олиб боришга ҳақли эмас.

Мазкур вакилларни сайлашдан олдин уларнинг кимлиги, ваколатлари, вазифалари билан танишиб чиқиш лозим. Чунки сайловлар ўтгач сайланган муносиб номзодларга Конституция ва қонунчилик ҳужжатларида белгилаб қўйилган муҳим ваколатлар юклатилади. Бу ваколатлар эса бевосита давлат ва жамият ҳаёти билан чамбарчас боғлиқдир.

## Президент ким? У қандай ваколатларга эга?

Президент – давлат бошлиғидир ва давлат ҳоқимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди.

### Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб:



35 ёшдан  
кичик  
бўлмаган;



бевосита сайлов-  
гача камида ўн йил  
Ўзбекистон ҳудудида  
муқим яшаётган шахс  
сайланиши мумкин.



давлат  
тилини  
яхши  
биладиган;



Ўзбекистон  
Республикаси  
фуқароси  
бўлган;

#### Қуйидагилар:



қасддан содир этилган жинояти учун  
илгари судланган фуқаролар;



диний ташкилотлар ва бирлашма-  
ларнинг профессионал хизматчилари  
президентликка номзод этиб рўйхатга  
олинмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти беш йил муддатга сайланади. Айти бир шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ президент бўлиши мумкин эмас.

Президент Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси йиғилишида тегишли қасамёдни қабул қилган пайтдан бошлаб ўз лавозимига киришган ҳисобланади. Ушбу қасамёд қуйидагича бўлади:

«Ўзбекистон халқига садоқат билан хизмат қилишга, республиканинг Конституцияси ва қонунларига қатъий риоя этишга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига кафолат беришга, Ўзбекистон Республикаси Президенти зиммасига юклатилган вазифаларни виждонан бажаришга тантанали қасамёд қиламан».

Президент ваколатлари қуйидагилар:




- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, Конституция ва қонунларига риоя этилишининг кафилидир;
- Республика суверенитети, хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини муҳофаза этиш, миллий давлат тузилиши масалаларига доир қарорларни амалга ошириш юзасидан зарур чоратадбирлар кўради;
- мамлакат ичкарисида ва халқаро муносабатларда Ўзбекистон номидан иш кўради;
- музокаралар олиб боради ҳамда шартнома ва битимларини имзолайди, республика томонидан тузилган шартномаларга, битимларга ва унинг қабул қилинган мажбуриятларига риоя этилишини таъминлайди;
- ўз ҳузурида аккредитациядан ўтган дипломатик ҳамда бошқа вакилларнинг ишонч ва чақирув ёрлиқларини қабул қилади;
- чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа вакилларини тайинлаш учун номзодларни Олий Мажлиснинг Сенатига тақдим этади;
- Олий Мажлисга мамлакат ички ва ташқи сиёсатини амалга оширишнинг энг муҳим масалалари юзасидан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга;
- республика олий ҳокимият ва бошқарув органларининг баҳамжиҳат ишлашини таъминлайди; вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда давлат бошқарувининг бошқа органларини Вазирлар Маҳкамасининг тақдимига биноан тузади ва тугатади, шу масалаларга доир фармонларни кейинчалик Олий Мажлис палаталари тасдиғига киритади;

- Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига сайлаш учун номзодни Сенатга тақдим этади;
- Олий Мажлис палаталари кўриб чиқиши ва тасдиқлаши учун Бош вазир номзодини тақдим этади ҳамда уни истеъфога чиққанда, Бош вазирга нисбатан билдирилган ишончсизлик вотуми Олий Мажлис палаталари томонидан қабул қилинганда ёхуд қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда лавозимидан озод қилади;
- Бош вазирнинг Қонунчилик палатаси маъқуллаганидан кейин киритилган тақдимига биноан Вазирлар Маҳкамаси аъзоларини тасдиқлайди ва лавозимларидан озод қилади;
- Бош прокурор ва Ҳисоб палатаси раисини тайинлайди ва уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади;
- Олий Мажлис Сенатига Конституциявий суд, Олий суд таркибларига, шунингдек, Судьялар олий кенгашининг раиси, Марказий банк Бошқарувининг раиси лавозимларига номзодларни тақдим этади;
- Судьялар олий кенгашининг тақдимига биноан вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари раислари ва раис ўринбосарларини, Ҳарбий суд раисини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; Судьялар олий кенгашининг аъзоларини қонунга мувофиқ тасдиқлайди;
- Бош вазир тақдимига биноан вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли;
- республика давлат бошқаруви органларининг ва ҳокимларнинг қабул қилган ҳужжатларини улар қонунчилик нормаларига номувофиқ бўлган ҳолларда тўхтатади, бекор қилади; Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида раислик қилишга ҳақли;

- қонунларни имзолайди ва эълон қилади; қонунга ўз эътирозларини илова этиб, уни такроран муҳокама қилиш ва овозга қўйиш учун Олий Мажлисга қайтаришга ҳақли;
- Ўзбекистонга ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Олий Мажлис палаталарининг тасдиғига киритади;
- фавқулодда вазиятлар (реал ташқи хавф, оммавий тартибсизликлар, йирик ҳалокат, табиий офат, эпидемиялар) юз берган тақдирда фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлашни кўзлаб, Ўзбекистоннинг бутун ҳудудида ёки унинг айрим жойларида фавқулодда ҳолат жорий этади ва қабул қилган қарорини уч кун ичида Олий Мажлисининг палаталари тасдиғига киритади. Фавқулодда ҳолат жорий этиш шартлари ва тартиби қонун билан белгиланади;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг Олий Бош қўмондони ҳисобланади, Қуролли Кучларнинг олий қўмондонларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, олий ҳарбий унвонлар беради;
- Ўзбекистон Республикасининг орденлари, медаллари ва ёрлиғи билан мукофотлайди, малакавий ва фахрий унвонларини беради;
- Ўзбекистон фуқаролигига ва сиёсий бошпана беришга оид масалаларни ҳал этади;
- амнистия тўғрисидаги ҳужжатларни қабул қилиш ҳақида Олий Мажлис Сенатига тақдимнома киритади ва Ўзбекистон судлари томонидан ҳукм қилинган шахсларни афв этади;
- Давлат хавфсизлик хизмати раисини тайинлайди ва лавозимидан озод этади, кейинчалик шу масалаларга доир фармонларни Олий Мажлис Сенати тасдиғига киритади;
- Конституция ва қонунларида назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга оширади.

Президент ўз ваколатларини бажаришни давлат идораларига ёки мансабдор шахсларга топширишга ҳақли эмас.

Президент Конституция ва қонунларга асосланиб ҳамда уларни ижро этиш юзасидан республиканинг бутун ҳудудида мажбурий кучга эга бўлган қуйидаги ҳужжатларни чиқаради:

-  фармонлар;
-  қарорлар;
-  фармойишлар.

Ўзбекистоннинг амалдаги Президенти ўз вазифаларини бажара олмайдиган ҳолатларда унинг вазифа ва ваколатлари вақтинча Олий Мажлис Сенати Раисининг зиммасига юклатилади, бунда уч ой муддат ичида, қонунга тўлиқ мувофиқ ҳолда мамлакат Президенти сайлови ўтказилади.

Ваколати тугаши муносабати билан истеъфога чиққан Президент умрбод Сенат аъзоси лавозимини эгаллайди.

### **Олий Мажлис вазифалари қандай? Унга сайланадиган депутатларга қандай вазифалар юклатилади?**

Олий Мажлис – олий давлат вакиллик органи бўлиб, қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширади (Маълумот учун: Ўзбекистонда ҳокимиятлар учга бўлинади: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд).

Олий Мажлис икки палатадан – Қонунчилик палатаси (қуйи палата) ва Сенатдан (юқори палата) иборат.

Қонунчилик палатасининг ваколат муддати беш йил.

Қонунчилик палатаси қонунга мувофиқ сайланадиган бир юз эллик депутатдан иборат.

Сенат ҳудудий вакиллик палатаси бўлиб, Сенат аъзоларидан (сенаторлардан) иборат.

Сенат аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда – олти кишидан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси фан, санъат, адабиёт, ишлаб чиқариш соҳасида ҳамда давлат ва жамият фаолиятининг бошқа тармоқларида катта амалий тажрибага эга бўлган ҳамда алоҳида хизмат кўрсатган энг обрўли фуқаролар орасидан Президент томонидан тайинланади.

Қонунчилик  
палатасига  
сайланиш  
ҳуқуқига



сайлов  
куни  
25 ёшга  
тўлган



камида 5 йил  
Ўзбекистон  
ҳудудида муқим  
яшаётган  
фуқаролар эгадир.

Қуйидагилар Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди:

- ✗ содир этилган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;
- ✗ сайлов кунига қадар сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;
- ✗ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- ✗ диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Айни бир шахс бир пайтнинг ўзида Қонунчилик палатаси депутати ва Сенат аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Қонунчилик палатаси ва Сенат биргаликда қуйидаги ваколатларни амалга оширади:

- Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- Ўзбекистон Республикасининг конституциявий қонунлари, қонунларини қабул қилиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;
- референдумни ўтказиш тўғрисида ва уни ўтказиш санасини тайинлаш ҳақида қарор қабул қилиш;
- Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш ҳамда давлат стратегик дастурларини қабул қилиш;
- қонун чиқарувчи, ижро этувчи ҳамда суд ҳокимияти органларининг тизимини ва ваколатларини белгилаш;
- Ўзбекистон таркибига янги давлат тузилмаларини қабул қилиш ва уларнинг Ўзбекистон таркибидан чиқиши ҳақидаги қарорларни тасдиқлаш;
- бож, валюта ва кредит ишларини қонун йўли билан тартибга солиш;
- Вазирлар Маҳкамаси тақдимида биноан Республика Давлат бюджетини қабул қилиш ва унинг ижросини назорат этиш;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни жорий қилиш;
- Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий тузилиши масалаларини қонун йўли билан тартибга солиш, чегараларини ўзгартириш;
- туманлар, шаҳарлар, вилоятларни ташкил этиш, тугатиш, уларнинг номини ҳамда чегараларини ўзгартириш;



- давлат мукофотлари ва унвонларини таъсис этиш;
- Президентнинг вазирликлар, давлат қўмиталари ва давлат бошқарувининг бошқа органларини тузиш ҳамда тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- Марказий сайлов комиссиясини тузиш;
- Президентнинг тақдимига биноан Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш, шунингдек, мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг долзарб масалалари юзасидан Бош вазирнинг ҳисоботларини эшитиш ва муҳокама қилиш;
- Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ва унинг ўринбосарини сайлаш;
- Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш;
- Президентнинг Ўзбекистон Республикасига ҳужум қилинганда ёки тажовуздан бир-бирини мудофаа қилиш юзасидан тузилган шартнома мажбуриятларини бажариш зарурияти туғилганда уруш ҳолати эълон қилиш тўғрисидаги фармонини тасдиқлаш;
- Президентнинг умумий ёки қисман сафарбарлик эълон қилиш, фавқулодда ҳолат жорий этиш, унинг амал қилишини узайтириш ёки тугатиш тўғрисидаги фармонларини тасдиқлаш;
- халқаро шартномаларни ратификация ва денонсация қилиш;
- парламент назоратини ва Конституцияда назарда тутилган бошқа ваколатларни амалга ошириш.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенат ўз ваколатларига киритилган масалалар юзасидан қарорлар қабул қилади.

## Маҳаллий Кенгаш депутатлари кимлар? Уларнинг ҳуқуқий мақоми қандай?

Депутат – тегишли халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашига сайланган ҳамда Сайлов кодексига мувофиқ тегишинча вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган Ўзбекистон фуқароси ҳисобланади.

Маҳаллий  
Кенгашлар  
депутатлиги-  
га сайланиш  
ҳуқуқи



сайлов  
куни  
21 ёшга  
тўлган



камида 5 йил  
Ўзбекистон  
ҳудудида муқим  
яшаётган  
фуқаролар эгадир.

Қуйидагилар маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинмайди:

- ✗ содир этган оғир ёки ўта оғир жинояти учун судланганлик ҳолати тугалланмаган ёхуд судланганлиги олиб ташланмаган фуқаролар;
- ✗ сайлов кунига қадар сўнги беш йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида муқим яшамаган фуқаролар;
- ✗ Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчилари, Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизматининг, Миллий гвардиясининг, Ички ишлар вазирлигининг, Давлат божхона қўмитасининг, бошқа ҳарбийлаштирилган бўлинмаларнинг ходимлари;
- ✗ диний ташкилотлар ва бирлашмаларнинг профессионал хизматчилари.

Судьялар, прокуратура органларининг ва ижро этувчи ҳокимият органларининг мансабдор шахслари (бундан вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари мустасно) депутат этиб сайланган тақдирда, эгаллаб турган лавозимидан бўшаш тўғрисида ариза бериш шарти билан маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод этиб рўйхатга олинади.

Депутат тегишли халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддатига сайланади.

Депутат:

- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг доимий ҳамда муваққат комиссияларига сайлаш ва сайланишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ҳамда бу масалаларнинг моҳияти юзасидан таклифлар киритиш ва мулоҳазалар билдиришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши томонидан сайланадиган, тайинланадиган ёки тасдиқланадиган мансабдор шахсларнинг номзодлари бўйича фикр билдиришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида мунозараларда иштирок этишга, маърузачи ва раислик қилувчига саволлар беришга;
- депутат сўрови билан мурожаат этишга;
- ўз таклифларини асослаб бериш учун сўзга чиқишга ва овоз бериш сабаблари юзасидан изоҳ беришга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажлисида раислик қилувчига мажлисда муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўз нутқи, таклифи ёки мулоҳазаси матнини топширишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши таркибидаги ўзи аъзо бўлган органнинг қарорига қўшилмаган тақдирда ўз нуқтаи назарини тегишли халқ депутатлари Кенгашининг мажли-

сида баён этишга ёки бу ҳақда мазкур халқ депутатлари Кенгаши раҳбарига ёзма равишда маълум қилишга;

- тегишли ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг бажарилиши устидан назоратни амалга оширишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгашига ҳисобдор ёки унинг назорати остидаги ҳар қандай орган ёхуд мансабдор шахснинг ҳисоботи ёки ахборотини мазкур халқ депутатлари Кенгашининг мажлисларида эшитиш тўғрисида таклиф киритишга;
- Қонунларнинг ижро этилишини, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши қарорларининг бажарилишини текшириш тўғрисида кўриб чиқилиши учун масалалар таклиф этишга;
- тегишли халқ депутатлари Кенгаши мажлисларининг стенограммалари билан танишишга;
- сайловчилар билан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи, сиёсий партия ташкилоти билан учрашувлар ўтказишга;
- фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини бузиш ҳоллари ёки қонунчиликни бузишнинг бошқа ҳоллари маълум бўлиб қолган тақдирда уларга дарҳол чек қўйиш чораларини кўриш талаби билан тегишли органлар ҳамда мансабдор шахсларга мурожаат этишга ҳақли.

Депутатлар маълум бир масала юзасидан давлат органларига депутат сўрови юбориши мумкин.

**Депутат сўрови** – депутатнинг тегишли ҳудудда жойлашган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки ўз нуқтаи назарини баён қилиш талаби.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахслари депутат сўровига жавобни депутатга мазкур сўров

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қонунчилик палата-  
си депутатлари ва маҳаллий Кеншалар депутатлари сайловлари  
умумийдир.

## «Сайловлар умумий, менг ва тўғривдан-тўғри сайлов ҳуқуқини овоз берувчи бўлиш бўлиш ўтказилди»

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови, Олий Маж-  
лис Қонунчилик палатасига ҳамда Қорақалпоғистон Республика-  
си Жўқорти Кенгесига, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат  
хокимияти вакиллик органлари сайлов тегишлича уларнинг  
конституциявий ваколат мўддати тўғайдиган йилда – октябрь ойи  
учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилди.

Сайлов куни ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон фуқаролари сайлаш ҳуқуқига эгадир. Фуқаролар жинси, ирқий ва миллий мансублиги, тили, динга муносабати, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи, маълумоти, машғулотининг тури ва хусусиятидан қатъи назар, тенг сайлов ҳуқуқига эгадир.

» *Сайловда иштирок этувчи ҳар бир фуқаро бир овозга эга бўлади. Суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган фуқаролар, шунингдек суд ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар сайланиши мумкин эмас.*

Қуйидаги шахслар сайловда иштирок этмайди:

- ✘ суд томонидан муомалага лаёқатсиз деб топилган шахслар;
- ✘ оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этганлиги учун суднинг ҳукми билан озодликдан маҳрум этиш жойларида сақланаётган шахслар.

*Бошқа ҳар қандай ҳолларда фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўғридан-тўғри ёки билвосита чеклашга йўл қўйилмайди.*

Президент, Қонунчилик палатаси депутатлари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар томонидан бевосита сайланади.

Сайловда эркин ва яширин овоз берилади. Сайловчиларнинг хоҳиш-иродасини назорат қилишга йўл қўйилмайди.

Яширин овоз бериш сайловчининг хоҳиш-иродаси устидан ҳар қандай тарзда назорат қилиш имкониятини истисно этадиган тегишли шароитларни яратиш орқали таъминланади.

Сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишни сайлов комиссиялари очиқ ва ошкора амалга оширади.

**САЙЛОВ КО-  
МИССИЯЛАРИ  
ТИЗИМИГА  
ҚҲЙИДАГИЛАР  
КИРАДИ:**



**МАРКАЗИЙ САЙЛОВ  
КОМИССИЯСИ;**



**ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА  
ШАҲАР САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИ;**



**ОКРУГ САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИ;**



**УЧАСТКА САЙЛОВ  
КОМИССИЯЛАРИ.**

Сайлов комиссиялари фуқароларни ўз иши тўғрисида, сайлов округлари, участкалари тузилганлиги ҳақида, сайлов комиссияларининг таркиби, уларнинг жойлашган ери ва иш вақти тўғрисида хабардор этади, сайловчиларнинг рўйхатлари, сайловда иштирок этаётган сиёсий партияларнинг рўйхати билан таништиради, Президентликка ва депутатликка номзодлар тўғрисидаги, шунингдек, овоз бериш ва сайлов яқунлари ҳақидаги маълумотларни маълум қилади.

Сайлов комиссияларининг мажлислари очиқ ўтказилади. Сайлов комиссияларининг қарорлари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади ёки белгиланган тартибда ҳаммага маълум қилинади.

Президент сайловини, Олий Мажлисга сайловни, шунингдек, референдумни ташкил этиш ва ўтказиш учун Олий Мажлис томонидан фаолиятининг асосий принциплари мустақиллик, қонунийлик, коллегиялик, ошкоралик ва адолатлиликдан иборат бўлган Марказий сайлов комиссияси тузилади.

Марказий сайлов комиссияси ўз фаолиятини доимий асосда амалга оширади ва ўз фаолиятида Конституция ва бошқа қонун ҳужжатларига амал қилади.

Марказий сайлов комиссиясининг аъзолари Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси ва Сенат томонидан сайланади.

Марказий сайлов комиссиясининг Раиси комиссия аъзолари орасидан Президентнинг тақдими бўйича комиссия мажлисида сайланади.

Йигирма бир ёшга тўлган, ўрта ёки олий маълумотга, қоида тариқасида, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга бўлган, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар вилоят, туман ва шаҳар сайлов комиссиясининг, округ ва участка сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин.

Бошқа сайлов комиссияларининг аъзолари, сиёсий партияларнинг аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органларининг, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, шунингдек, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссиясининг аъзоси бўлиши мумкин эмас.

Сайлов ўтказилишидан олдин сайловларда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар яъни сайловчилар рўйхатлари тузилади.

Сайлов кунига қадар ёки сайлов кuni ўн саккиз ёшга тўлган, рўйхат тузилаётган пайтда мазкур сайлов участкаси ҳудудида доимий ёки вақтинча истиқомат қилаётган фуқароларнинг фамилиялари сайловчилар рўйхатига киритилади.

Ҳар бир сайловчи фақат битта сайловчилар рўйхатига киририлиши мумкин. Сайловчилар рўйхатига ҳар бир сайловчининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган санаси ва яшаш жойи манзили киритилади.



Сайловчилар рўйхатлари Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхатини шакллантириш бўйича ахборот тизими маълумотлари асосида тузилади.

Ҳарбий қисмлардаги ҳарбий хизматчиларнинг, шунингдек, ҳарбий хизматчилар оила аъзоларининг ва бошқа сайловчиларнинг рўйхатлари, агар улар ҳарбий қисмлар жойлашган ҳудудларда яшаса, ҳарбий қисмларнинг командирлари тақдим этадиган маълумотлар асосида тузилади. Ҳарбий қисмлардан ташқарида истиқомат қилувчи ҳарбий хизматчилар яшаш жойлари бўйича умумий асосларда сайловчилар рўйхатига киритилади.

Санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ва бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум этиш жойларида тузилган участкалар бўйича сайловчилар рўйхатлари мазкур муассасалар раҳбарлари томонидан тақдим этиладиган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида сайловчиларнинг рўйхатлари мазкур муассасалар бошлиқлари томонидан тақдим этилган маълумотлар асосида тузилади.

Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган участка сайлов комиссиялари чет давлатларда турган фуқароларни сайловчилар рўйхати билан танишиш усули, жойи ва вақти тўғрисида хабардор қилади.

**Сайловчиларнинг ягона электрон рўйхати** – ваколатли давлат органларининг ахборот базаларига мувофиқ сайловчи фуқаролар, уларнинг доимий ва вақтинча яшаш жойлари манзиллари ҳақидаги ахборотни ўз ичига олган давлат ахборот ресурсидир.

Фуқароларга участка сайлов комиссияси биносида сайловчилар рўйхати билан танишиш, шунингдек, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайти орқали сайловчилар рўйхатидан ўзларига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти таъминланади. Чет давлатларда турган фуқароларга сайловчилар рўйхатидаги ўзига тегишли маълумотлар билан танишиш имконияти Ташқи ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикасининг чет

давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари расмий веб-сайтлари орқали ҳам таъминланади.

Президентликка номзод, Қонунчилик палатаси депутатлигига номзод, маҳаллий Кенгашлар депутатлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига сиёсий партиялар эгадир.

Маълумки, сайловлардан олдин кўрсатилган номзодлар томонидан сайловолди ташвиқотлари олиб борилади. У орқали фуқароларни номзодларнинг сайланганидан кейин амалга ошириши мумкин бўлган фаолияти билан таништирилади.

**Сайловолди ташвиқоти** – сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир.

Сайловолди ташвиқоти номзодларни рўйхатга олиш учун белгиланган охириги куннинг эртасидан эътиборан бошланади. Сайлов куни ва овоз беришга бир кун қолганида ташвиқотга йўл қўйилмайди.

Ташвиқотни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизматлар кўрсатиш (ахборот хизматларидан ташқари), шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Нотўғри ахборотни, шунингдек, номзодларнинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш тақиқланади.

Сайлов куни етиб келгач, фуқаролар ўзлари муносиб деб билган номзодлардан бирига овоз беришни амалга оширади. Бунинг учун овоз бериш биноларида махсус ажратилган жойлар бўлиши, уларда яширин овоз бериш учун етарли миқдорда кабиналар ёки хоналар жиҳозланиши, сайлов бюллетенларини бериш учун жойлар ажратилиши ҳамда сайлов қутилари ўрнатилиши керак. Сайлов қутилари овоз берувчилар уларнинг ёнига, албатта, яширин овоз бериш кабиналари ёки хоналари орқали ўтиб келадиган қилиб ўрнатилади. Овоз бериш биносидан бошқа ҳеч қандай сиёсий тadbирлар ўтказилишига рухсат этилмайди. Биноларни жиҳозлаш ва уларда зарур тартибни сақлаб туриш масъулияти участка сайлов комиссиясининг зиммасида бўлади.



» **Овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида участка сайлов комиссияси сайловчиларни сайловдан камида 10 кун олдин хабардор қилади.**

Ўзбекистоннинг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида тузилган сайлов участкаларида овоз бериш сайлов куни ушбу сайлов участкалари жойлашган ердаги маҳаллий вақт билан соат 8.00 дан 20.00 гача ўтказилади.


Овоз бериш биносига келгач, сайловчи участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ҳамда сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Бирон-бир сабабга кўра сайловчилар рўйхатига фамилияси кирмай қолган сайловчиларнинг фамилиялари сайловчининг шахси, фуқаролиги ва яшаш жойини тасдиқловчи ҳужжат асосида сайловчилар рўйхати иловасига киритилади.

Овоз бериш куни сайлов участкасида соат 8.00 да Ўзбекистоннинг Давлат мадҳияси янграйди.

Сайловчи сайлов бюллетенини олгач, уни яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида тўлдиради. Сайлов бюллетенини тўлдириш чоғида овоз берувчи шахсдан бошқа шахсларнинг ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўлдириш имкониятига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра яширин овоз бериш кабинасига ёки хонасига бошқа шахсни таклиф қилишга ҳақли, бундан сайлов комиссияси таркибига кирадиган шахслар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари мустасно.

**Сайловчи ўзи ёқлаб овоз берётган номзоднинг фамилияси рўпарасида, ўнг томонда жойлашган бўш квадратга қуйидаги белгилардан бирини қўяди:**



«+»

«✓»

«X»

Овоз берувчи тўлдирилган сайлов бюллетенини сайлов қутисига ташлайди.

Бузиб қўйилган сайлов бюллетени сайловчининг илтимосига кўра янгисига алмаштирилиши мумкин. Бузиб қўйилган сайлов бюллетенлари ҳисобга олиниши, бекор қилиниши (юқори чап бурчагини кесиш йўли билан) лозим ва алоҳида сақланади.

Айрим сайловчилар соғлиғининг ҳолатига ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш биносига кела олмаган ҳолларда, тегишли участка сайлов комиссияси овоз беришни ушбу сайловчиларнинг илтимосига биноан улар турган жойда ташкил этади.

Тегишли комиссиянинг камида икки нафар аъзоси кўчма сайлов қутиси билан сайловчининг турган жойига юборилади, улар сайловчининг хоҳиш-иродаси сир сақланишига риоя этилган ҳолда овоз бериш амалга оширилишини таъминлайди. Бунда кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳозир бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда сайловчиларга муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқи ҳам берилади. Бунда сайлов куни ўз яшаш жойида бўлиш имкониятига эга бўлмаган сайловчи муддатидан олдин овоз бериш ҳуқуқига эга.

Муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганида бошланади ва сайловга уч кун қолганида тугалланади. Мудда-

тидан олдин овоз беришни ўтказиш вақти Марказий сайлов комиссияси, вилоят, туман, шаҳар сайлов комиссиялари томонидан белгиланади ва сайловчиларнинг, кузатувчиларнинг эътиборига оммавий ахборот воситалари орқали етказилади.

Муддатидан олдин овоз беришни амалга ошириш учун сайловчи сайлов кунида бўла олмаслигининг сабаблари (таътил, хизмат сафари, хорижга чиқиш ва ҳоказо) кўрсатилган ариза асосида тегишли участка сайлов комиссиясидан сайлов бюллетенини олади. Сайловчи сайлов бюллетенини олганлиги ҳақида тегишли участка комиссиясининг камида икки нафар аъзоси ҳозирлигида сайловчилар рўйхатига имзо қўяди.

Сайлов бюллетени махсус жиҳозланган яширин овоз бериш кабинасида ёки хонасида сайловчи томонидан тўлдирилади.

Сайловчи қарор қабул қилади ва тўлдирилган сайлов бюллетенини ёпиқ конвертда қолдиради, конверт тегишли участка сайлов комиссиясининг сейфида сақланади. Конвертнинг елимланган жойига участка комиссиясининг икки нафар аъзосининг имзолари қўйилиб, улар комиссиянинг муҳри билан тасдиқланади.

Участка сайлов комиссияси сайловчилар рўйхатига киритилган шахсларнинг умумий сонини, сайлов бюллетенлари олган сайловчилар сонини ва сайлов қутиларидаги сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Участка сайлов комиссияси сайлов участкасида ҳар бир округ, ҳар бир номзод бўйича берилган овозларни алоҳида-алоҳида санаб чиқади.

Санаб чиқилган сайлов бюллетенлари асосида участка сайлов комиссияси:

- ҳар бир номзодни ёқлаб берилган овозлар сонини;
- ҳақиқий эмас деб топилган сайлов бюллетенлари сонини;
- бузилган сайлов бюллетенлари сонини аниқлайди.

Сайлов бюллетенларига қўшимча равишда ёзиб қўйилган фуқароларнинг фамилиялари ва масалалар бўйича берилган овозлар ҳисобга олинмайди.

Белгиланмаган намунадаги сайлов бюллетенлари, шунингдек, овоз бериш чоғида биттадан ортиқ квадратга «+» ёки «✓»

ёхуд «ж» белгиси қўйилган ёки битта ҳам квадратга бундай белги қўйилмаган сайлов бюллетенлари ҳақиқий эмас деб топилади. Сайлов бюллетенининг ҳақиқийлиги шубҳа туғдирганда, масала участка сайлов комиссияси томонидан овозга қўйиш орқали ҳал этилади.

Овоз берувчи томонидан бюллетенни тўлдириш вақтида хатога йўл қўйилган ва унинг ўрнига янги сайлов бюллетени берилган, бу ҳақда сайловчилар рўйхатида ҳамда бекор қилинган бузилган сайлов бюллетенининг орқа томонида тегишли белги қўйилган сайлов бюллетени бузилган ҳисобланади.

Сайловда овоз беришда иштирок этган сайловчилар ярмидан кўпининг овозини олган номзод сайланган деб ҳисобланади.

Президент сайлови, Олий Мажлисга сайлов яқунларига кўра Марказий сайлов комиссиясининг қарори сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилинади, Марказий сайлов комиссиясининг расмий веб-сайтида ва бошқа манбаларда эълон қилинади (ҳаммага маълум қилинади).

Маҳаллий Кенгашга ўтказилган сайлов яқунлари тўғрисидаги қарор тегишли сайлов комиссияси томонидан сайловдан кейин ўн кундан кечиктирмай қабул қилинади ва матбуотда эълон қилинади, шунингдек, оммавий ахборот воситаларида ҳаммага маълум қилинади.

Сайловчилар сайлов комиссияларининг қарорлари устидан ушбу қарорлар қабул қилинганидан кейин беш кун ичида судга шикоят қилиши мумкин. Марказий сайлов комиссиясининг қарорлари устидан қарор қабул қилинганидан кейин беш кун ичида Олий судга шикоят қилиниши мумкин. Шикоят келиб тушганидан кейин уч кун ичида, сайловга камида олти кун қолганида эса дарҳол кўриб чиқиши керак. Шикоят берган шахслар шикоятни кўриб чиқишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Сайлов кун ва овоз бериш бошланишидан бир кун олдин жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари прогнозларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни эълон қилиш (ҳаммага маълум қилиш), шу жумладан, ахборот тармоқларига, шунингдек, Интернет жаҳон ахборот тармоғига жойлаштириш тақиқланади.

## II. ФУҚАРОЛАРНИНГ КАСАБА УЮШМАЛАРИГА, СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАРГА ВА БОШҚА ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИГА УЮШИШ, ОММАВИЙ ҲАРАКАТЛАРДА ИШТИРОК ЭТИШ ҲУҚУҚИ

.....

«Ўзбекистон Республикаси фуқаролари касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар.

Сиёсий партияларда, жамоат бирлашмаларида, оммавий ҳаракатларда, шунингдек ҳокимиятнинг вакиллик органларида озчиликни ташкил этувчи муҳолифатчи шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қадр-қимматини ҳеч ким камситиши мумкин эмас».

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Конституцияси**  
**34-модда**

Ўзбекистонда фуқароларнинг касаба уюшмаларига уюшиши, сиёсий партиялар ва бошқа жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида мустақамлаб қўйилган. Мазкур ҳуқуқлар ва уларни амалга ошириш тартиби Конституцияга асосланиб, бир қатор қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинган. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги ҳамда «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунлари шулар жумласидандир.

---

---

## ЖАМОАТ БИРЛАШМАЛАРИ

---

---

Жамоат бирлашмаси – ўз ҳуқуқлари, эркинликларини ҳамда сиёсат, иқтисодиёт, ижтимоий ривожланиш, фан, маданият, экология ва ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги қонуний манфаатларини биргаликда рўёбга чиқариш учун бирлашган фуқароларнинг хоҳиш-иродаларини эркин билдиришлари натижасида вужудга келган ихтиёрий тузилмадир.

«Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги қонунда фуқароларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш эркинлиги уларнинг ажралмас ҳуқуқи сифатида белгилаб қўйилган. Ушбу Қонун Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги умумжаҳон декларацияси ва Ўзбекистон Республикаси Конституциясига асосланиб қабул қилинган.

Қуйидагилар жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади:



- сиёсий партиялар;
- оммавий ҳаракатлар;
- касаба уюшмалари;
- хотин-қизлар, ёшлар ва болалар ташкилотлари;
- ветеранлар ва ногиронлар ташкилотлари;
- илмий-техникавий, маданий-маърифий, жисмоний тарбия-спорт ва бошқа кўнгилли жамиятлар;
- ижодий уюшмалар;
- юртдошлар уюшмалари;
- ассоциациялар;
- фуқароларнинг бошқа бирлашмалари.



Жамоат бирлашмалари қуйидаги мақсадлар тузилади:

- фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий, ҳуқуқлар ҳамда эркинликларни рўёбга чиқариш ва ҳимоя қилиш;
- фуқароларнинг фаоллиги ва ташаббускорлигини, давлат ва жамият ишларини бошқаришда уларнинг иштирок этишини ривожлантириш;
- касб-кор ва ҳаваскорлик қизиқишларини қондириш;
- илмий, техникавий ва бадий ижодкорликни ривожлантириш;
- аҳолининг сиҳат-саломатлигини сақлаш, хайрия фаолиятида қатнашиш;
- маданий-маърифий, жисмоний тарбия-соғломлаштириш ва спорт ишларини амалга ошириш;
- табиатни, маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш;
- ватанпарварлик ва инсонпарварлик тарбияси;
- республикалараро ва халқаро алоқаларни кенгайтириш, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстликни мустаҳкамлаш;
- қонунда тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга ошириш.

Фаолияти жамиятнинг ахлоқий негизларини, умумбашарий инсонпарварлик қадриятларини бузишга қаратилган, шунингдек конституцион тузумни ғайриқонуний йўл билан ўзгартириш ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг бирлигини бузиш, урушни, зўравонликни ва шафқатсизликни, жамиятни парчалашга олиб борадиган ижтимоий, шу жумладан, синфий, шунингдек, ирқий, миллий ва диний адоватни авж олдириш, қонунчилик билан тақиқланган бошқа хатти-ҳаракатлар қилиш мақсадини кўзлайдиган жамоат бирлашмаларининг тузилишига йўл қўймайди.

Ҳарбийлаштирилган жамоат бирлашмалари ва қуролли тузилмалар, шунингдек, диний характерга эга партиялар, уларнинг филиаллари ва бошқа структура бўлаклари ташкил этиш тақиқланади.

Жамоат бирлашмалари ва уларнинг идоралари томонидан қонуний ва демократик йўл билан шакллантирилган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда ҳокимият ваколатларига эга бўлганларга нисбатан ғайридемократик тарзда куч ишлатиб тазйиқ ўтказиш тақиқланади. Қонуний равишда амал қилиб турган ҳокимият ва бошқарув идоралари ҳамда мансабдор шахсларга демократик усулда ҳал этиш баҳонаси билан тазйиқ ўтказишга бўлган ҳар қандай уринишга Қонун билан барҳам берилади.

Аҳолининг саломатлиги ва ахлоқига, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларига тажовуз қиладиган жамоат бирлашмаларини тузиш ва уларнинг фаолияти қонунга мувофиқ таъқиб қилинади.

Жамоат бирлашмалари ўз аъзолари (қатнашчилари)нинг ихтиёрийлиги, тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва ҳаракат қилади.

Барча жамоат бирлашмалари ўз уставларида, бошқа ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришда Конституция ва бошқа қонунлари доирасида иш кўрадилар.

Фуқаронинг жамоат бирлашмаси фаолиятида қатнашиши ёки қатнашмаслиги унинг ҳуқуқлари ва эркинликларини чеклаш ёки унга имтиёзлар бериш учун, шу жумладан, давлат ташкилотида лавозимни эгаллаш шарти ёки Қонунда кўзда тутилган мажбуриятларни бажармаслик учун асос бўла олмайди.

Давлат жамоат бирлашмалари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини таъминлайди ҳамда Конституцияга мувофиқ улар ўз уставларидаги вазифаларни бажаришлари учун шарт-шароит яратилишига кафолат беради.

Давлат ёшлар ва болалар ташкилотларига моддий ва маънавий мадад беради, уларга нисбатан имтиёзли солиқ сиёсати ўтказилишини таъминлайди, болалар ташкилотларига, мактаб, мактабдан ташқари муассасалар биноларидан, клублардан, маданият саройлари ва уйларида, спорт иншоотлари ва бошқа иншоотлардан бепул ёки имтиёзли шартлар билан фойдаланиш ҳуқуқини беради.

Қонунда кўзда тутилган ҳоллардан ташқари давлат идоралари ва мансабдор шахсларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятига аралashiшига, худди шунингдек, жамоат бирлашмаларининг дав-

лат идоралари ва мансабдор шахсларнинг фаолиятига аралашшига йўл қўйилмайди.

Жамоат бирлашмалари ташкилотларининг тадбирлари улар аъзоларининг (қатнашчиларнинг) асосан ишдан бўш вақтида ва мазкур бирлашмалар маблағи ҳисобидан амалга оширилади.

Жамоат бирлашмалари ихтиёрийлик асосида жамоат бирлашмаларининг иттифоқларига уюшишга ҳақлидирлар. Иттифоқлар жамоат бирлашмалари учун белгилаб қўйилган тартибда тузилади, амал қилади ва ўз фаолиятини тўхтатади.

Жамоат бирлашмаси камида ўн нафар фуқаронинг ташаббуси билан тузилади.

Жамоат бирлашмасини тузиш ташаббускорлари таъсис съездини яъни конференциясини ёки умумий йиғилишини чақирадилар, унда устав (масалан: низом, ўзга асосий ҳужжат) қабул қилинади ва раҳбар идоралар тузилади.

Ўзбекистон фуқаролари жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари) бўладилар. Сиёсий партиядан ташқари жамоат бирлашмаларининг уставида чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг бирлашмага аъзо бўлишлари кўзда тутилиши мумкин.

Ўзбекистоннинг ўн саккиз ёшга тўлган фуқаролари жумҳурият сиёсий партияларининг аъзолари бўлишлари мумкин.

Бир сиёсий партиянинг аъзоси айна вақтда бошқа сиёсий партиянинг аъзоси бўла олмайди.

Сиёсий партиялар ва касаба уюшмаларидан ташқари жамоат бирлашмаларининг фаолиятида уларнинг уставларида кўзда тутилган ҳолларда жамоа аъзолари: корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг меҳнат жамоатлари, фуқароларнинг бирлашмалари иштирок этишлари мумкин.

Жамоат бирлашмасининг уставида қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

- 1) жамоат бирлашмасининг номи, мақсади ва вазифаси;
- 2) жамоат бирлашмасининг ички тузилиши, унинг ўз фаолиятини амалга оширадиган ҳудуд;
- 3) жамоат бирлашмаси аъзолигига қабул қилиш шартлари ва тартиби, агар бирлашма рўйхатда қайд этиладиган

аъзоларга эга бўлса, бундай ҳолларда ундан чиқиш шартлари ва тартиби;

- 4) жамоат бирлашмаси аъзолари (қатнашчилари)нинг ҳуқуқлари ва бурчлари;
- 5) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотлари раҳбар идораларининг ваколатлари ва уларни тузиш тартиби, уларнинг ваколат муддати;
- 6) жамоат бирлашмаси ҳамда унинг ташкилотларининг маблағлари ва бошқа мол-мулкни ҳосил қилишнинг пул билан таъминланиш манбалари;
- 7) жамоат бирлашмасининг раҳбар идораси қаерда жойлашганлиги;
- 8) жамоат бирлашмаси уставига ўзгартишлар, қўшимчалар киритиш тартиби;
- 9) жамоат бирлашмаси фаолиятини тўхтатиш тартиби.

Жамоат бирлашмасининг устави амалдаги қонунчиликка зид бўлмаслиги керак.

Ўзбекистонда амал қилувчи халқаро жамоат ташкилотларининг, жумҳурият, вилоятлараро бирлашмаларининг уставлари Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

Қорақалпоғистонда жамоат бирлашмасининг устави-ни рўйхатга олиш тартиби Қорақалпоғистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланади.

Вилоят, ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида ёки икки ва ундан ортиқ ноҳия, шаҳар, посёлка, қишлоқ ҳудудида фаолиятини амалга оширадиган жамоат бирлашмаларининг уставлари вилоятлар, Тошкент шаҳар ҳокимликларининг адлия бошқармалари томонидан рўйхатга олинади.

Жамоат бирлашмаси устави-ни рўйхатга олиш учун устав қабул қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида мазкур жамоат бирлашмаси раҳбар идораси аъзолари томонидан имзоланган ва шу аъзолар ҳар бирининг фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, истиқомат жойи кўрсатилган ариза топширилади. Аризага Қонунда белгиланган тегишли ҳужжатлар илова қилинади.

Уставни рўйхатга олиш ҳақидаги ариза у топширилган кундан бошлаб бир ой муддатда кўриб чиқилади.

Жамоат бирлашмаси ёки унинг ташкилотлари (идоралари) уларнинг уставлари рўйхатга олинган кундан бошлаб қонунда белгилаб қўйилган тартибда ўз фаолиятларини амалга оширадilar ва фуқаролик қонунчилигига мувофиқ юридик шахс деб тан олиниши мумкин.

Жамоат бирлашмалари уставларини рўйхатга олувчи идоралар ана шу бирлашмалар рўйхатини тузиб борадилар.

Агар жамоат бирлашмасининг устави Қонунга зид бўлса, ёхуд илгари худди шу номдаги жамоат бирлашмаси рўйхатга олинган бўлса, жамоат бирлашмаси уставини рўйхатга олишни рад этиш мумкин.

Уставни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда бу ҳақда тақдим этилган устав қайси қонунчилик қоидаларига зид эканлиги кўрсатилиб, ариза берувчига ёзма равишда хабар қилинади.

Жамоат бирлашмасининг уставини рўйхатдан ўтказишнинг рад этилиши устидан судга шикоят қилиш мумкин.

Жамоат бирлашмалари рамз сифатида ўз тимсолига, байроғига ва вимпелига эга бўлиши мумкин. Байроқлар ва вимпеллар белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Жамоат бирлашмаларининг фаолияти уларни қайта ташкил этиш (қўшилиш, бирлашиш, ажралиш) ёки тугатиш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари қонун олдида тенгдирлар ва уларнинг ҳуқуқлари уставда қайд этилади.

Жамоат бирлашмалари уставларда, дастурий, бошқа ҳужжатларда белгиланган мақсадлар ва вазифаларни амалга ошириш учун ўз мақсадлари ва фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатади, қонунчиликда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда эса:

- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини тузишда қатнашади;
- давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларининг қарорларини тайёрлашда иштирок этади;

- давлат ва жамоат идораларида ўз аъзолари (қатнашчилари) номидан иш юритади ва уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;
- қонунда кўзда тутилган ваколатларни амалга оширади.

Жамоат бирлашмалари қонунчиликда белгилаб қўйиладиган тартибда ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадилар ҳамда фақат уставдаги вазифаларни бажариш мақсадида ҳуқуқий шахс мақомига эга бўлган корхоналар ва ҳўжалик ҳисобидаги ташкилотларни барпо этадилар.

Жамоат бирлашмаларининг ишлаб чиқариш ва бошқа тадбиркорлик фаолиятдан олинган даромадлар ана шу бирлашмалар аъзолари (қатнашчилари) ўртасида қайта тақсимланмайди ва ундан фақат устав вазифаларини бажариш учун фойдаланилади; жамоат бирлашмалари ўз маблағларидан ҳатто ўз уставида кўрсатилмаган бўлса ҳам, хайрия мақсадлари йўлида фойдаланишларига йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари тузадиган корхоналар ва ташкилотлар қонунда белгилаб қўйилган тартибда ва миқдорда бюджетга пул ўтказадилар.

Жамоат бирлашмалари, уларнинг ташкилотлари бинолар, иншоотлар, уй-жой фонди, ускуналар, асбоблар, маданий-маърифий ва соғломлаштириш мақсадлари учун мўлжалланган мулкларга, пул маблағига, акцияларга, бошқа қимматли қоғозларга ҳамда уларнинг уставларида кўзда тутилган фаолиятни моддий таъминлаш учун зарур бўлган ўзга мол-мулкка, шунингдек, интеллектуал мулк объектларига эгалик қилишлари мумкин. Бирлашмаларнинг уставларида кўрсатилган мақсадларга мувофиқ уларнинг маблағи ҳисобидан барпо этилган нашриётлар, бошқа корхоналар, хайрия муассасалари жамоат бирлашмаларининг мулки бўлиши мумкин.

Жамоат бирлашмалари оммавий ахборот воситаларини таъсис этишга ҳамда амалдаги матбуот ва бошқа оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги амалдаги қонунчиликка мувофиқ ноширлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидирлар.

Молия идоралари жамоат бирлашмаларини маблағ билан таъминлаш ва улар даромадларининг манбаларини, улар ол-

ган маблағ миқдорини ва солиқлар тўғрисидаги қонунчиликка мувофиқ солиқ тўланишини назорат қилиб борадилар.

Жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш амалдаги қонунчиликка мувофиқ жиноий, маъмурий, моддий ёки ўзга жавобгарликка сабаб бўлади. Қонунчиликни бузганлик учун бу ишда айбдор бўлган давлат ва жамоат идораларининг мансабдор шахслари, шунингдек, фуқаролар жавобгар бўладилар.

Жамоат бирлашмаси, шу жумладан, ўз уставини рўйхатдан ўтказмаган жамоат бирлашмаси жамоат бирлашмалари тўғрисидаги қонунчиликни бузган тақдирда қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

---

---

## **КАСАБА УЮШМАЛАРИ**

---

---

**Касаба уюшмаси** – фуқароларнинг ўз фаолияти ёки ўқиши тури бўйича умумий касбий манфаатлари билан боғлиқ бўлган, уларнинг меҳнатга оид, бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида тузилдиган, ўз устави асосида фаолият кўрсатадиган ихтиёрий жамоат бирлашмасидир.

Меҳнат фаолиятини амалга ошираётган фуқаролар, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида таълим олаётган, ўн беш ёшга тўлган шахслар (бундан буён матнда ходимлар деб юритилади) ҳеч қандай тафовутсиз ўз танловига кўра ва олдиндан рухсат олмай туриб, ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш ҳуқуқига, шунингдек, касаба уюшмаларига уларнинг уставларига риоя этиш шарти билан аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Касаба уюшмалари ўз фаолиятини қонунийлик, ихтиёрийлик, камситишга йўл қўймаслик, мустақиллик ва ўзини ўзи бошқариш, тенг ҳуқуқлилик, ошкоралик ва очиқлик каби асосий принциплар асосида амалга оширади.



**Фуқаролар ўз қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз танловига кўра ихтиёрий равишда касаба уюшмаларини тузиш, уларга аъзо бўлиш, касаба уюшмаси фаолияти билан шуғулланиш ва касаба уюшмаларига аъзоликдан чиқиш ҳуқуқига эга. Фуқароларнинг касаба уюшмаларига бирлашишга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга тўсқинлик қилишга, шунингдек, уларни касаба уюшмасига аъзо бўлишга ёки аъзоликдан чиқишга мажбурлашга йўл қўйилмайди.**

Давлат касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини кафолатлайди. Давлат органлари, уларнинг мансабдор шахслари, иш берувчилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлайди. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг фаолиятига аралашинишга, шу жумладан, уларнинг фаолияти тўғрисида бирор-бир ҳужжат тақдим этишни талаб қилишга йўл қўйилмайди, бундан қонунда назарда тутилган ҳоллар мустасно.





Қонунчиликда касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимлар учун кафолатлар белгиланган. Унга кўра қуйидагиларга интизомий жазо берилиши мумкин эмас:

касаба уюшмаси органи таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган ходимларга — *шу органнинг розилигисиз;*

ташкilot бўлинмаларидаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — *тегишли касаба уюшмаси органининг розилигисиз;*

ташкilotдаги касаба уюшмалари органларининг раҳбарларига — *тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг розилигисиз.*



Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишдан озод этилмаган шахслар билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббусига кўра бекор қилишга меҳнат шартномасини бекор қилишнинг умумий тартибига риоя этишдан ташқари, улар аъзо бўлган касаба уюшмаси органининг розилиги олдиндан олинган ҳолда йўл қўйилади, ташкilot касаба уюшмаси органининг раиси билан меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга эса бундан ташқари тегишли касаба уюшмалари бирлашмасининг шундай розилиги олинган тақдирда йўл қўйилади.

Касаба уюшмалари органларининг ишлаб чиқаришдаги ўз ишидан озод этилмаган аъзоларига жамоа шартномасида, келишувда белгиланадиган шартларга кўра меҳнат жамоасининг манфаатларини кўзлаб жамоатчилик вазифаларини бажариши, шунингдек, касаба уюшмасининг йўналиши бўйича қисқа муддатли ўқиши учун ўртача иш ҳақи сақланган ҳолда вақт берилади.

Касаба уюшмалари органларининг аъзолари ишлаб чиқаришдаги ишидан касаба уюшмалари томонидан чақириладиган қурултойларда, конференцияларда делегат сифатида, шунингдек, касаба уюшмаларининг пленумлари ва раёсатлари ишида иштирок этиш вақтига озод қилиниб, уларга касаба уюшмасининг маблағлари ҳисобидан ўртача иш ҳақи миқдоридан ҳақ тўланади.

Касаба уюшмасининг уставидан назарда тутилган ҳолларда ташкилотларда касаба уюшмасининг ташкилотчилари ёки касаба уюшмаси гуруҳларининг ташкилотчилари сайланиши мумкин, уларга нисбатан юқорида назарда тутилган кафолатлар татбиқ этилади.

Бундан ташқари, касаба уюшмалари органларига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимлар учун кафолатлар ҳам мавжуд.

Касаба уюшмалари органларидаги сайлаб қўйиладиган лавозимларга сайланганлиги туфайли ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилган ходимларга уларнинг сайлов ваколатлари тугаганидан сўнг аввалги иши (лавозими) берилади, бундай иш (лавозим) мавжуд бўлмаган тақдирда эса ўша ташкилотда ёки ходимнинг розилиги билан бошқа ташкилотда аввалгисига тенг бошқа иш (лавозим) берилади.

Касаба уюшмалари органларига сайланган ходимларга тегишли иш (лавозим) бериш имкони бўлмаган тақдирда, улар қонунчиликда, жамоа шартномаларида, келишувларида назарда тутилган имтиёزلардан фойдаланади.

Касаба уюшмалари органлари таркибига сайланган ва ишлаб чиқаришдаги ишидан озод этилмаган ходимларга иш берувчининг ташаббусига кўра интизомий жазо беришга, улар билан



Қуйидагилар касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкни шакллантириш манбалари бўлиши мумкин:



Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари мол-мулкнинг манбалари, уларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланади. Касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг, бўлинмаларининг ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотларининг мол-мулкни шакллантириш манбаларидан олинган маблағлардан уларнинг таъсис ҳужжатларида белгиланган мақсадларга эришиш ва вазифаларни ҳал этиш учун фойдаланилади.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари аҳоли бандлигини таъминлаш, ишдан озод этилаётган ходимларни ҳимоя қилиш масалаларини, шунингдек, ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга доир бошқа масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво аризаси, шунингдек, суд буйруғини чиқариш тўғрисидаги ариза билан мурожаат қилишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари инсоннинг муносиб ҳаёт кечиришини ва эркин ривожланишини таъминловчи шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий дастурларни шакллантиришда, ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқишда, турмуш даражасининг асосий мезонларини ва тирикчилик учун зарур бўлган нарсаларнинг энг кам миқдорини белгилашда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларни қайта ташкил этиш ёки тугатиш чоғида тугатиш комиссияларининг ишида иштирок этишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасида:

- ташкилотларнинг раҳбарларидан ва бошқа мансабдор шахсларидан меҳнат шароитлари ва меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида, шунингдек, ишлаб чиқаришдаги барча бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари ҳақида ахборот олиш;
- ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларини текширишда иштирок этиш;
- ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига хавф туғилган ҳолларда ишларни тўхтатиб туриш тўғрисида, шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш талаблари бузилишларини бартараф этиш ҳақида иш берувчига таклифлар киритиш;
- меҳнатни муҳофаза қилишнинг ҳолатини ўрганиш, иш берувчиларнинг жамоа шартномалари ва келишувларида назарда тутилган меҳнатни муҳофаза қилишга доир мажбуриятларининг бажарилишини назорат қилиш;
- лойиҳалаштирилаётган, қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш объектларида меҳнат шароитларининг хавфсизлиги экспертизасида, шунингдек, лойиҳалаштирилаётган ва фойдаланилаётган ишлаб чиқариш воситаларининг хавфсизлиги экспертизасида иштирок этиш;

- ишлаб чиқариш объектларини ва ишлаб чиқариш воситаларини синовлардан ўтказиш ҳамда фойдаланишга қабул қилиш бўйича комиссияларнинг ишида мустақил экспертлар сифатида иштирок этиш;
- тиббий-меҳнат эксперт комиссияси мажлисларида иштирок этиш;
- техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ва меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш;
- меҳнатни муҳофаза қилиш талабларини бузганликда, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар фактларини яширганликда айбдор бўлган шахсларни жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаблар билан тегишли органларга мурожаат этиш;
- ходимнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши ёки соғлиғига бошқача тарзда шикаст етказилиши туфайли етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш ҳамда ходимларнинг соғлиғи ва меҳнатини муҳофаза қилишга бўлган ҳуқуқлари камситилган бошқа ҳолларда ходимнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиб судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари қонунчиликда ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиши тартиби белгиланадиган меҳнат низолари бўйича комиссияларнинг ишида иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари жамоавий меҳнат низоларини тартибга солишда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун юридик ҳамда бошқа хизматларни ташкил этиши, шунингдек, шартнома асосида тегишли мутахассисларни жалб қилиши мумкин.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари ташкилотларнинг

раҳбарларига ҳамда бошқа мансабдор шахсларига ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда аниқланган бузилишларини бартараф этиш тўғрисида кўриб чиқилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар киритишга, шунингдек, ташкилотларнинг раҳбарларига мазкур қоидабузарликларда айбдор бўлган шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш ҳақида тақдимномалар киритишга ҳақли.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи талаблар бўйича даъволар билан қонунчиликда белгиланган тартибда мурожаат қилиш чоғида судларда давлат божини тўлашдан озод этилади.

Давлат органларининг, улар мансабдор шахсларининг, иш берувчиларнинг:

- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар ижросини таъминлашга;
- жамоа шартномалари ва келишувларини бажаришга, ижтимоий шериклик доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳамда дастурларни рўёбга чиқаришга доир фаолияти жамоатчилик назорати объектидир.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари давлат органларига, уларнинг мансабдор шахсларига, иш берувчиларга, уларнинг бирлашмаларига (иттифоқларига, уюшмаларига) аризалар, шикоятлар ва таклифлар билан мурожаат қилишга, уларга сўровлар юборишга ҳақли.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмаларининг, улар бирлашмаларининг ва бўлинмаларининг тузилмасида касаба уюшмаларининг тегишли

инспекторлари фаолият кўрсатадиган инспекциялар тузилиши мумкин.

Касаба уюшмаларининг инспекторлари ўз фаолиятини амалга ошириш чоғида:

- давлат органларидан, ташкилотлардан, уларнинг мансабдор шахсларидан, иш берувчилардан, уларнинг бирлашмаларидан (иттифоқларидан, уюшмаларидан) ўз вазифаларини бажариш учун зарур бўлган маълумотномаларни ва бошқа ҳужжатларни, статистик маълумотларни ҳамда бошқа ахборотни сўраш ва бепул олиш;
- судларда ва меҳнат низоларини кўриб чиқадиган бошқа органларда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун ўз ташаббусига кўра ёхуд ходимларнинг илтимосига биноан вакиллар сифатида иштирок этиш;
- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларига тааллуқли бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ҳамда техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида, шунингдек, касаба уюшмаси аъзоларининг мурожаатлари асосида ташкилотларга, иш жойларига бориш;
- ходимларнинг меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва уларнинг соғлиғига бошқача тарзда шикаст етганлигини ҳамда касб касалликларини текширишда белгиланган тартибда иштирок этиш ҳуқуқига эга.

**Меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик** – касаба уюшмалари (касаба уюшмаларининг бирлашмалари) тимсолида ходимлар, иш берувчилар (иш берувчиларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари), давлат органлари ўртасида ходимларнинг, иш берувчиларнинг ва давлатнинг ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалалари бўйича манфаатларини келишиб олишни таъминлашга қаратилган ўзаро ҳамкорликдир.



## Қуйидагилар меҳнат соҳасидаги ижтимоий шериклик тарафларидир:



касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари, бўлинмалари ва бошланғич касаба уюшмалари ташкилотлари тимсолида ходимлар;



иш берувчилар, уларнинг бирлашмалари (иттифоқлари, уюшмалари);



давлат органлари.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ижтимоий шерикликни қуйидаги шаклда амалга ошириши мумкин:

- жамоа шартномалари, келишувлари лойиҳаларини тайёрлаш ва уларни тузиш, шунингдек, жамоа шартномаларига, келишувларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш бўйича жамоа музокаралари ўтказиш;
- жамоа шартномалари ва келишувларининг бажарилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш;
- ташкилотларнинг локал ҳужжатлари лойиҳаларини келишиб олиш;
- ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан тарафларнинг ўзаро маслаҳатлашувлари;
- ташкилотларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда иштирок этиш;
- давлат органлари ҳузуридаги тегишли жамоатчилик кенгашларида иштирок этиш.

Касаба уюшмалари, уларнинг бирлашмалари ижтимоий шерикликда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа шаклларда ҳам иштирок этишга ҳақли.

## СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР

Ўзбекистонда сиёсий партияларнинг роли, аҳамияти ва нуфузи йилдан йилга ошиб бормоқда. Сабаби айнан сиёсий партиялар Президентликка, депутатликка номзодларни кўрсатиш ҳуқуқига эга ҳисобланади.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда қуйидаги бешта партия ўз иш фаолиятини олиб бормоқда:



Мазкур партиялар ўзининг фаолияти орқали мамлакатда алоҳида ўринга эга бўлиб, ҳар бири алоҳида соҳалар бўйича ўз фаолиятини олиб боради. Масалан, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг мақсади тадбиркор ва ишбилармонларнинг яна-да кенгроқ фаолият юритишлари учун янги имкониятлар очиш, уларнинг истиқболини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослаб бериш, жамиятнинг ушбу табақаси манфаатларини ҳимоялашдир. «Адолат» социал-демократик партияси фуқароларнинг жамият сиёсий ҳаётида ўз сиёсий иродасини шакллантириши ва рўйбга чиқариши, ижтимоий ва сиёсий акцияларда, сайловлар ва референдумларда иштирок этиши ҳамда фуқароларнинг манфаатлари-

ни давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларида ўз вакиллари орқали ифода этиш мақсадида тузилган. Халқ демократик партияси эса ижтимоий қўллаб-қувватлашга ва ҳимояга эҳтиёжманд фуқаролар манфаатларини ифодалайди ва ҳимоя қилади. «Миллий тикланиш» демократик партиясининг асосий мақсад-вазифаси миллий анъаналарни ва қадриятларни сақлашдан иборат.

**Сиёсий партия** – Ўзбекистон фуқароларининг қарашлар, манфаатлар ва мақсадлар муштараклиги асосида тузилган, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда жамият муайян қисмининг сиёсий иродасини рўёбга чиқаришга интилувчи ҳамда ўз вакиллари орқали давлат ва жамоат ишларини идора этишда қатнашувчи кўнгилли бирлашмасидир.

Ўзбекистонда сиёсий партиялар ўз фаолиятларини Конституция, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, ўз уставлари асосида амалга оширадilar.

Сиёсий партиялар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини амалга ошириш мақсадида, хоҳиш-иродани эркин билдириш, партияга ихтиёрий равишда кириш ва ундан чиқиш, аъзоларининг тенг ҳуқуқлилиги, ўзини ўзи бошқариш, қонунийлик ва ошкоралик асосида тузилади ва фаолият кўрсатади.

### **Қуйидаги сиёсий партияларни тузиш ва уларнинг фаолият кўрсатиши тақиқланади:**

- ✗** конституциявий тузумни зўрлик билан ўзгартиришни мақсад қилиб қўювчи;
- ✗** Ўзбекистон Республикаси суверенитети, яхлитлиги ва хавфсизлигига, фуқароларининг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига қарши чиқувчи;
- ✗** урушни, ижтимоий, миллий, ирқий ва диний адоватни тарғиб қилувчи;
- ✗** халқнинг соғлиғи ва маънавиятига тажовуз қилувчи;
- ✗** миллий ва диний руҳдаги партиялар.

Ўзбекистон фуқароси бир пайтнинг ўзида фақат битта сиёсий партиёга аъзо бўлиши мумкин.

Партияга мансублигига кўра фуқаронинг ҳуқуқларини ҳар қандай чеклаш, худди шунингдек унга имтиёзлар ёки устунликлар бериш тақиқланади.

Президент республика барча фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишининг кафили сифатида президентлик ваколатларини бажариш муддати давомида сиёсий партиёга аъзоликни ёки унда иштирок этишни тўхтатиб туриши ёхуд бутунлай тўхтатиши шарт.

### Қуйидагилар сиёсий партиёларга аъзо бўла олмайдилар:

- ✗ судьялар;
- ✗ Ҳисоб палатасининг мансабдор шахслари;
- ✗ прокурорлар ва прокуратура терговчилари;
- ✗ ички ишлар, Миллий гвардия органлари, давлат хавфсизлик хизмати ходимлари;
- ✗ ҳарбий хизматчилар;
- ✗ хорижий давлатларнинг фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар.

*Сиёсий партиёларга аъзолик якка тартибда қайд этилади.*

Давлат сиёсий партиёлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари муҳофаза этилишини кафолатлайди, уставда белгиланган ўз мақсадлари ва вазифаларини бажаришлари учун уларга тенг ҳуқуқий имкониятлар яратиб беради.

Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг ва улар мансабдор шахсларининг сиёсий партиёлар ички ишларига аралашилари ёхуд, агар фаолият қонунга ҳамда ўз уставларига мувофиқ амалга ошириладиган

– партининг тугилиши;

– партининг номи, мақсади ва вазифалари;

ЛОЗИМ:

Сийсий партиянинг уставига куйидагилар кўрсатилиши

кабул қилади, унинг сайлаб қуйиладиган органлари тугади.

ди. Тарсис сьезди ёки конференцияси партия уставига дастуридан

Сийсий партия тарсис сьездида ёки конференциясида тугила-

фаолият кўрсатиш хукукига эгадир.

қилиши лозим. Қўмита тугилган кундан бошлаб узоғи билан уч ой

ёки конференцияси чакрилдиган санани ёзма равишда ҳабар

ди, раҳбари (етакчиси), жойлашган манзили ҳамда тарсис сьезди

кечкитмай Адлия вазирлигига ўз ташаббуси, қўмитанинг тарки-

лозим. Қўмита ўзи тугилган кундан бошлаб ётти кунлик муддатда

ференциясини шакллантириш бўйича ташкилий қўмитани тугишлари

аъзолар таркибинини шакллантириш ҳамда тарсис сьезди ёки кон-

дан бобот бўлиши, улар партия тарсис хужжатларини тайёрлаш,

Сийсий партия тугиш ташаббускорлари камда элик қилиши

етилади.

бўлган камда йигирма минг фуқароларнинг имзои бўлиши талаб

Тошкент шаҳрида ҳамда партия биллаш истаганда

екта (вилоят), шу жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ва

Сийсий партия тугиш камда саккизта худудий субъект-

конунчилик тартиб этилади.

туғриқилган, ижтимоий таъминот ва ижтимоий сугурта ҳақидаги

Сийсий партиялар апарати ходимлари нисбатан меҳнат

лаб қилиши на этилади.

пайтада партия номидан сийсий фаолият билан шуғулланганини та-

нинг ўз ходимларидан улар меҳнат вазибаларини бажарётган

маблати ҳисобидан амалга оширилади. Хусусий ширкатулар

улар аъзоларининг шакли ва таркиби вақтида ва ана шу партиялар

Сийсий партиялар ташкилотларининг таъбирлари асосан

лар фаолиятига апарашувига йўл қўйилмайди.

Сийсий партияларнинг давлат органлари ва мансабдор шахс-

етилади.

бўлса, улар фаолиятига ў ёки бу тарзда тўққинчи қилишлари ман

- партия аъзолигига қабул қилиш ва ундан чиқиш шартлари ва тартиби;
- партия аъзоларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;
- партия ва унинг ташкилотлари раҳбар органларининг ваколатлари ҳамда уларни тузиш (чақириш) тартиби, уларнинг ваколат муддатлари;
- партия раҳбар органларининг фаолиятини назорат қилиш тартиби;
- партия ва унинг ташкилотлари маблағларини шакллантириш ҳамда бошқа мол-мулкни сотиб олиш манбалари;
- партия раҳбар органи жойлашган манзил;
- партия устави ва дастурини қабул қилиш, уларга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тартиби;
- партия фаолиятини қайта ташкил этиш ёки тўхтатиш тартиби.

Уставда партия фаолиятига оид бошқа қоидалар ҳам назарда тутилиши мумкин.

Сиёсий партиялар Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинади.

**Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш учун устав қабул қилинган кундан эътиборан 1 ой муддат ичида қуйидагилар тақдим этилади:**

- партия раҳбар органининг камида 3 аъзоси имзолаган ариза;
- устав;
- дастур;
- таъсис съезди ёки конференциясининг баёни;
- давлат божи қонунда белгиланган миқдорда тўланганлигини тасдиқловчи банк ҳужжати;
- «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонун талаблари ба- жарилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар, шу жумладан, мазкур партияга бирлашиш истагини билдирган йигир-

ма минг нафар Ўзбекистон фуқаросининг ўзлари имзо қўйган рўйхати, сайлаб қўйиладиган органларнинг аъзолари тўғрисидаги маълумотлар (фамилияси, исми, отасининг исми, туғилган йили, турар жойи ва иш жойи, телефон рақами), раҳбар орган аъзоларига ваколатлар, шу жумладан, рўйхатдан ўтказиш жараёнида ёхуд мунозаралар келиб чиққан тақдирда судда партия номидан иштирок этиш ҳуқуқи берилганлиги тўғрисидаги партия олий органининг қарори.

Сиёсий партияни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги ариза у тушган кундан бошлаб бир ой муддат ичида кўриб чиқилади.

Кўриб чиқиш натижаларига биноан сиёсий партияни рўйхатга олиш ёки рўйхатга олишни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Қарор қабул қилинган, узоғи билан уч кун муддат ичида у сиёсий партия раҳбар органига берилади ёки почта орқали жўнатилади.

Сиёсий партия рўйхатдан ўтган кундан эътиборан юридик шахс мақомини олади ва у ўз фаолиятини амалга ошириши мумкин.

Сиёсий партиялар уставларига киритилган ўзгартишлар ва қўшимчалар уларнинг уставларини рўйхатга олиш учун ушбу моддада назарда тутилган тартибда ва муддатларда рўйхатдан ўтказилиши лозим. Сиёсий партия рўйхатга олинганлиги тўғрисидаги хабар оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади.

Агар сиёсий партиянинг устави, мақсадлари, вазифалари ва фаолият услуби Конституцияга, «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги қонунга ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига зид бўлса ёки олдинроқ худди шундай номдаги сиёсий партия ёки жамоатчилик ҳаракати рўйхатга олинган бўлса, бу партия рўйхатга олинмайди.

Сиёсий партияни рўйхатга олиш рад этилган тақдирда Адлия вазирлиги тақдим этилган ҳужжатлар қонунчиликнинг қайси қоидаларига зид эканлигини кўрсатган ҳолда бу хусусда партия раҳбар органининг ваколатли аъзосига ёзма тарзда хабар қилади. Ушбу сиёсий партия раҳбар органининг ваколатли аъзолари рўйхатга олиш рад этилганлиги тўғрисида хабарнома олинган

кундан эътиборан бир ой ичида ҳужжатларни Конституцияга ва қонунчилигига бутунлай мувофиқ ҳолга келтирган тақдирдагина партияни рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан такрор мурожаат этишга ҳақлидирлар.

**Сиёсий партиянинг фаолияти қуйидаги тарзда тугатилади:**

- партиянинг ўз уставига мувофиқ тарқалиб кетиши орқали, бу ҳақда партия олий органи уч кунлик муддат ичида Адлия вазирлигига хабар қилади;
- партия ўз фаолиятида тақиқланадиган хатти-ҳаракатларни содир этган ҳолларда ёки ўз фаолияти тўхтатиб қўйилганидан сўнг бир йил муддат ичида ўша хатти-ҳаракатларни такрор содир этган ҳолларда Адлия вазирлигининг ёки Бош прокурорнинг тақдимномасига биноан Олий суднинг қарори билан.

Адлия вазирлигининг сиёсий партия фаолияти тугатилганлиги тўғрисидаги расмий хабари оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган кундан бошлаб сиёсий партиянинг фаолияти тугайди.

**Сиёсий партиялар қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни эркин тарқатиш, ўз ғоялари, мақсадлари ва қарорларини тарғиб қилиш;
- сайлаб қўйиладиган давлат органларидаги ўз вакиллари орқали тегишли қарорларни тайёрлашда иштирок этиш;
- қонунда белгилаб қўйилган тартибда Президент, давлат ҳокимияти органлари сайловларида иштирок этиш;
- партия фаолияти билан боғлиқ йиғилишлар, конференциялар ва бошқа тадбирларни ўтказиш;
- қонунчиликда назарда тутилган тартибда оммавий ахборот воситалари таъсис этиш ва бошқа оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг сиёсий партиялари билан иттифоқ (блок) тузиш, улар билан ва бошқа жамоат бирлашмалари билан шартнома муносабатлари ўрнатиш.



Сиёсий партиялар бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ўзга ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари ўз партияларининг сиёсатини уюшқоқлик билан ўтказиш учун, сиёсий партиялардан кўрсатилган депутатларнинг таъсис йиғилишларида тузилади. Фракциялар фракциянинг раҳбари берган тегишли ариза ва таъсис ҳужжатларига асосан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан рўйхатга олинади.

**Қонунчилик палатасидаги сиёсий партия фракцияси қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибини тузишда иштирок этиш;
- Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташаббус билан Президентга мурожаат қилиш;
- Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда фракция вакилига кафолатланган сўз берилиши;
- тегишли равишда Қонунчилик палатаси Спикерига ва Ҳукуматга, вазирларга, шунингдек, бошқа давлат органларининг раҳбарларига сўров билан мурожаат этиш;
- Қонунчилик палатасининг Спикер ўринбосарлигига қўмиталари ва комиссиялари раислигига номзодлар бўйича таклифлар киритиш;
- Қонунчилик палатасининг мажлисида муҳокама қилинаётган масала бўйича фракция фикрини депутатлар орасида тарқатиш;
- Қонунчилик палатаси депутатлари учун қонунчиликда назарда тутилган бошқа вазифаларни амалга ошириш.

Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиққан ҳолда блок тузадиган бир нечта сиёсий

партиялар фракциялари парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

**Мухолифат** – янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

**Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилгунига қадар ўша масалага доир қонун лойиҳасининг, шунингдек, Қонунчилик палатаси қарори лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;
- муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;
- Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ва халқ депутатлари Кенгашидаги партия гуруҳлари тузилиши мумкин.

**Партия гуруҳи** – сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесида, халқ депутатлари Кенгашида ифода-лаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмаси.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига ёки халқ депутатлари Кенгашига сайланган депутат фақат шу партиянинг партия гуруҳи аъзоси бўлиши мумкин.

Партия гуруҳи ҳисобга олиш рўйхатидан ўтказилиши керак.

Партия гуруҳининг фаолияти қуйидаги ҳолларда тугатилади:

- ❌ партия гуруҳининг ўз ташаббуси билан;
- ❌ Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг ваколатлари муддати тугаганда;
- ❌ партия гуруҳи таркибига кирувчи депутатлар сони уни тузиш учун зарур бўлган меъёрдан камайиб кетганда;
- ❌ тегишли сиёсий партиянинг фаолияти тугатилганда.

Партия гуруҳлари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибини шакллантиришда иштирок этиш;
- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи қўмиталари ёки комиссиялари раислигига, раис ўринбосарлигига ва аъзолигига номзодлар юзасидан таклифлар киритиш;
- давлат ҳокимиятининг тегишли вакиллик органи сессияси кун тартибидаги ҳар бир масала бўйича музокараларда партия гуруҳи вакилига сўз берилишини кафолатлаш;
- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ва Вазирлар Кенгашининг раисларига, вазирларига ҳамда бошқа давлат органлари раҳбарларига, ҳокимларга, ҳоким ўринбосарларига, ҳокимликлар бошқармалари, бўлимлари ва бошқа бўлинмаларининг раҳбарларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Кенгаши ҳудудида жойлашган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарларига сўров билан мурожаат қилиш;
- ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг лойиҳаларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритиш;

- тегишли ҳудудда жойлашган давлат органи раҳбарининг, шу жумладан, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг ўз фаолиятига доир масалалар юзасидан ҳисоботини ёки ахборотини Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг, халқ депутатлари Кенгашининг сессияларида эшитиш тўғрисида, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш масалаларини кўриб чиқиш ҳақида таклифлар киритиш. Бунда қарор депутатларнинг ярмидан кўпи қўллаб-қувватлаган тақдирда қабул қилинади;
- тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг ёки халқ депутатлари Кенгашининг сессиясида муҳокама қилинаётган масала бўйича партия гуруҳининг фикрини депутатлар орасида тарқатиш;
- туман (шаҳар) ҳокимининг, шунингдек, тегишли маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари мансабдор шахсларининг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоят ёки Тошкент шаҳар ҳокимига хулоса тақдим этиш.



Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гуруҳлари вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳоқими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қониқарсиз фаолияти тўғрисида Президентга асосланган хулосалар тақдим этиш ташаббуси ҳуқуқига эга.

Партия гуруҳлари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Бинолар, иншоотлар, асбоб-ускуналар, нашриётлар, транспорт воситалари, шунингдек, уставда назарда тутилган вазифаларни амалга ошириш учун зарур бошқа мол-мулк сиёсий партияларнинг мулки бўлиши мумкин.

Сиёсий партияларни молиялаштириш «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги қонунга мувофиқ амалга оширилади.

Сиёсий партиялар фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш мақсадида қонунчиликда белгиланган тартибда тадбиркорлик фаолиятини амалга оширади. Сиёсий партиянинг тадбиркорлик фаолияти натижалари унинг молиявий ҳисоботида акс эттирилиши керак.

Сиёсий партияларнинг тадбиркорлик фаолиятдан олган даромадлари партия аъзолари ўртасида тақсимланиши мумкин эмас ва улардан фақат уставда назарда тутилган вазифаларни бажариш учун фойдаланилади.

Сиёсий партиялар ҳар йили барчанинг эътибори учун ўз бюджетларини эълон қилиб боради ва ўз фаолиятини молиялаштириш манбалари тўғрисида Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ёки у ваколат берган органга белгиланган тартибда ҳисобот тақдим этади.

Сиёсий партияларнинг мулки «Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида»ги қонун билан муҳофаза қилинади.

Сиёсий партияларнинг фаолияти Конституция, қонунчиликка ва ўз уставларига мувофиқлигини Адлия вазирлиги назорат қилади.

### III. ФУҚАРОЛАРНИНГ ВАКОЛАТЛИ ДАВЛАТ ОРГАНЛАРИГА, МУАССАСАЛАРИГА ЎКИ ХАЛҚ ВАКИЛЛАРИГА МУРОЖААТ ЭТИШ ҲУҚУҚИ

«Ҳар бир шахс бевосита ўзи ва бошқалар билан биргаликда ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Аризалар, таклифлар ва шикоятлар қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши шарт».

Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси

35-модда

Шахсларнинг мурожаат этишга бўлган Конституциявий ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш, шунингдек, фуқаролар ва давлат органлари, муассасалари ва халқ вакиллари ўртасида таъсирчан муқобил алоқани ташкил этишнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади.

Мурожаат этиш орқали фуқаролар ўзларининг қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга ва таъминлашга эришади. Шу сабабли, фуқароларнинг мурожаат қилиш ҳуқуқи инсон ҳуқуқлари таъминланишининг муҳим омилларидан бири бўлганлиги учун ушбу масалага миллий қонунчилигимизда алоҳида ўрин берилган.

Ўзбекистонда мурожаатлар қилишга оид масалалар «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан тартибга солинади. Мазкур Қонуннинг мақсади давлат органлари ва давлат муассасала-

ри (бундан буён матнда давлат органлари деб юритилади)га, шунингдек, уларнинг мансабдор шахсларига жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Лекин фуқаролар шуни ёдда тутиши лозимки, айрим масалаларга «Жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатлари тўғрисида»ги қонун татбиқ этилмайди. Масалан: кўриб чиқиш тартиби маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, фуқаролик процессуал, жиноят-процессуал, жиноят-ижроия, иқтисодий процессуал қонунчилик ва бошқа қонун ҳужжатлари билан белгиланган муурожаатларга, давлат органларининг, шунингдек, улар таркибий бўлинмаларининг ўзаро ёзишмаларига нисбатан.

---

---

## МУУРОЖААТНИНГ ТУРЛАРИ ВА ШАКЛЛАРИ

---

---

Муурожаатлар давлат органлари томонидан қонунийлик, муурожаатларни ўз вақтида ва тўлиқ кўриб чиқиш, муурожаатларга нисбатан талабларнинг бир хиллиги, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши, муурожаатларни кўриб чиқишда бюрократизм ва сансалорликка йўл қўйилмаслиги, муурожаатларни кўриб чиқишда давлат органлари, ташкилотлар ва улар мансабдор шахслари фаолиятининг шаффофлиги каби принциплар асосида кўриб чиқилиши лозим.

Муурожаатларнинг ўзига хос шакли ва турлари мавжуд бўлиб у қонунда мустаҳкамлаб қўйилган.

Муурожаатлар  
қуйидаги  
шаклларда  
бўлиши  
мумкин:



оғзаки;



ёзма;



электрон.

Ҳозирги кунда мурожаатнинг оғзаки, ёзма ёки электрон шаклларини амалга ошириш учун мамлакатимизда ҳуқуқий асослар билан биргаликда, зарур шарт-шароитлар, жиҳоз ва технологиялар мавжуд.

**Электрон мурожаат** – белгиланган тартибда ахборот-коммуникация технологиялари воситасида берилган, шу жумладан, давлат органининг, ташкилотнинг расмий веб-сайтига жойлаштирилган мурожаатдир. Реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда берилган оғзаки мурожаатлар бундан мустасно.

Қуйидагилар  
муурожаатлар-  
нинг турлари  
ҳисобланади:



ариза



таклиф



шикоят

- ✓ **Ариза** – ҳуқуқларни, эркинликларни ва қонуний манфаатларни амалга оширишда ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги илтимос баён этилган мурожаат ҳисобланди.
- ✓ **Таклиф** – давлат ва жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир тавсияларни ўз ичига олган мурожаатдир.
- ✓ **Шикоят** – бузилган ҳуқуқларни, эркинликларни тиклаш ва қонуний манфаатларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги талаб баён этилган мурожаатдир.

Муурожаатлар, уларнинг шакли ва туридан қатъи назар, бир хил аҳамиятга эга бўлади. Бу эса фуқароларнинг муурожаатлари ҳар томонлама тўлиқ ва ҳолисона кўриб чиқилишига замин яратади.



---

---

## МУРОЖААТЛАРГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

---

---

Мурожаатлар жисмоний ёки юридик шахслар томонидан берилиши мумкин. Уларнинг ҳар бирининг мурожаатига алоҳида тартиблар белгиланган.

Жисмоний шахснинг мурожаатида жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Юридик шахснинг мурожаатида юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилган бўлиши керак.

Жисмоний ва юридик шахснинг мурожаатида давлат органининг, ташкилотнинг аниқ номи, мурожаат юборилаётган мансабдор шахснинг лавозими ва (ёки) фамилияси (исми, отасининг исми) кўрсатилган, шунингдек мурожаатнинг моҳияти баён этилган бўлиши керак.

Мурожаатларда мурожаат этувчиларнинг электрон почта манзили, алоқа телефонлари ва факслари рақамлари кўрсатилиши мумкин.

Мурожаатлар давлат тилида ва бошқа тилларда берилиши мумкин.

Ёзма мурожаат мурожаат этувчи жисмоний шахснинг имзоси ёки мурожаат этувчи юридик шахс ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши лозим. Жисмоний шахснинг ёзма мурожаатини мурожаат этувчининг имзоси билан тасдиқлаш имкони бўлмаган тақдирда, бу мурожаат уни ёзиб берган шахснинг имзоси билан тасдиқланиб, унинг фамилияси (исми, отасининг исми) ҳам қўшимча равишда ёзиб қўйилиши керак.

Мурожаат этувчиларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатларга уларнинг ваколатларини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилинади.

---

---

## **ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ ВА ЮРИДИК ШАХСЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ**

---

---

Давлат органларида, ташкилотларда, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш ташкил этилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг шахсий қабулини ўтказувчи давлат органларининг, ташкилотларнинг раҳбарлари ёки бошқа мансабдор шахслари ҳар қандай масалалар, шу жумладан, ўз ваколатларига кирмайдиган масалалар бўйича муурожаат этилганда қабулни рад этишга ҳақли эмас, ушбу модданинг учинчи қисмида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Жисмоний шахсларни ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш, агар уларнинг шундай хусусиятга эга бўлган аввалги муурожаати бўйича қарор қабул қилинган ва бу ҳақда уларга белгиланган тартибда хабар қилинган бўлса, рад этилиши мумкин.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки бошқа мансабдор шахси томонидан амалга оширилади. Бунинг учун давлат органларида, ташкилотларда махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилиши мумкин, қабул учун масъул бўлган мансабдор шахслар белгиланади.

Давлат органларининг раҳбарлари ёки бу борада ваколат берилган бошқа мансабдор шахслари томонидан жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек, оммавий қабуллар ташкил этилиши мумкин.

Жисмоний шахслар ва юридик шахсларнинг вакилларини қабул қилиш белгиланган кун ва соатларда, қабул қилиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

Қабул қилиш жадвали ва уни ўтказиш вақти, жойи ҳамда қабулга олдиндан ёзилиш тўғрисидаги ахборот, қабул қилиш тартиби уларни давлат органларининг расмий веб-сайтларида эълон қилиш, шунингдек, уларнинг маъмурий биносида ҳамма кириши мумкин бўлган жойлардаги стендларга ёки бошқа техник воситаларга жойлаштириш орқали манфаатдор шахслар эътиборига етказилади.

Жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакиллари-нинг сайёр шахсий қабуллари, шунингдек, оммавий қабуллар, зарур бўлган ҳолларда, қабул қилиш жадвалларидан ташқари ўтказилиши мумкин. Оммавий қабул ҳовлиларга (квартираларга), бошқа биноларга ва жойларга бирма-бир кириб чиқиш орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Агар қабул давомида баён этилган масалаларни ҳал этиш давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсининг ваколатларига кирмаса, тегишли мансабдор шахслар мурожаат этувчига мурожаатда баён этилган масалаларни ҳал этиш учун қайси органга ёки ташкилотга мурожаат қилиш лозимлигини тушунтириши керак.

Шахсий қабул давомида давлат органи, ташкилот раҳбарининг қарорига кўра ва мурожаат этувчига бу ҳақда хабар берган ҳолда махсус техника воситалари (аудио- ва видеоёзув, шунингдек, фотосуратга олиш) қўлланилиши мумкин.

Жисмоний шахс оғзаки мурожаат этаётганда ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, юридик шахснинг вакили эса ўз ваколатларини тасдиқлайдиган ва ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатиши керак, оммавий қабул вақтида келиб тушган мурожаатлар бундан мустасно.

Оғзаки мурожаатлар реал вақт режимида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан, давлат органларининг, ташкилотларнинг ишонч, тезкор алоқа телефонлари орқали ва видеоконференцалоқа воситасида ҳам берилиши мумкин.

## ПРЕЗИДЕНТНИНГ ХАЛҚ ҚАБУЛХОНАЛАРИ ВА ВИРТУАЛ ҚАБУЛХОНА

Президентнинг Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонаси (бундан буён матнда Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхона деб юритилади) давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан мурожаатларнинг самарали кўриб чиқилишини ташкил этиш мақсадида Президент томонидан тузилади ва у юридик шахс мақомига эга бўлмайди.

Халқ қабулхоналари тизимини қуйидагилар ташкил этади:



- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Халқ қабулхонаси;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги Халқ қабулхоналари;
- ✓ Ўзбекистон Республикаси Президентининг туманлар ва шаҳарлардаги (туманга бўйсунувчи шаҳарлардан ташқари) Халқ қабулхоналари.

Президентнинг Виртуал қабулхонаси келиб тушаётган мурожаатларни ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида қабул қилиш, тўплаш, таснифлаш ва тизимлаштириш, шунингдек, уларнинг тўлиқ, ўз вақтида ҳамда сифатли кўриб чиқилиши устидан мониторинг ва назоратни амалга ошириш имконини берувчи ахборот тизими ҳисобланади.

Халқ қабулхоналари ва Виртуал қабулхонанинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, уларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишга қаратилган, мурожаатлар билан ишлашнинг самарали тизими фаолиятини таъминлаш;
- мурожаат қилишга оид конституциявий ҳуқуқнинг сўзсиз амалга оширилиши учун шароитлар яратиш;
- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган мурожаатларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилишини ташкил этиш;
- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушган ҳамда тегишлилиги бўйича давлат органларига, ташкилотларга юборилган мурожаатларнинг кўриб чиқилиши устидан тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш;
- жисмоний шахсларнинг ва юридик шахслар вакилларининг қабулларини ўтказиш, шу жумладан, видеоконференцалоқа воситасида ўтказиш;
- Халқ қабулхоналарига ва Виртуал қабулхонага келиб тушаётган мурожаатларни қайд этиш, умумлаштириш, тизимлаштириш, уларни кўриб чиқиш устидан мониторинг ва назорат қилиш бўйича электрон ахборот тизимини жорий этиш ҳамда юритиш орқали мурожаатлар билан ишлашда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш.

**Халқ қабулхоналари қуйидаги ҳуқуқларга эга:**

- давлат органлари, ташкилотлар билан ҳамкорликни амалга ошириш, улардан ўз ваколатига кирувчи масалалар юзасидан ҳужжатларни ва ахборотни сўраш ҳамда олиш;
- зарур ҳолларда, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини жойларга чиқиб ўрганиш;



- мурожаатларни кўриб чиқиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида давлат органларига, ташкилотларга таклифлар киритиш;
- мурожаатларни кўриб чиқиш тартиби ва муддатларини бузган, шунингдек, мурожаатларни кўриб чиқиш натижалари юзасидан қабул қилинган қарорларнинг ижросини таъминламаган шахсларни жавобгарликка тортиш бўйича таклифлар киритиш.

Халқ қабулхоналари қонунчиликка мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

Халқ қабулхоналари «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг талабларига риоя этиши, мурожаатлар билан ишлашда мавжуд ахборот тизимидан фойдаланиши, ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этиши, ўз дастурий-аппарат воситаларининг узлуксиз ишлашини таъминлаши, навбатда туришнинг электрон бошқаруви тизими самарали ишлашини ва маъмурий жиҳатдан бошқарилишини, мурожаат этувчиларнинг сони уларнинг тоифалари ва тегишли соҳалар бўйича муайян давр учун (кун, ҳафта, ой) лозим даражада ҳисобга олинишини таъминлаши шарт.

Виртуал қабулхона негизида турли тармоқлар ва фаолият соҳаларидан малакали мутахассисларни маслаҳатчилар сифатида жалб этган ҳолда, мурожаатларга доир масалалар бўйича жисмоний ва юридик шахсларга реал вақт режимида маслаҳат бериш амалга оширилади.



» *Мурожаат этиш ҳуқуқидан фойдаланилаётганда жисмоний шахснинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига, шунингдек юридик шахсларнинг мулк шакли, жойлашган ери (почта манзили), ташкилий-ҳуқуқий шакллари ва бошқа ҳолатларига қараб камситишга йўл қўйилмайди.*

Давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари мурожаатларни кўриб чиқишда Конституция ҳамда қонун талабларига риоя этиши, уларнинг тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқилиши учун чоралар кўриши, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари, эркинликлари тикланишини ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш бўйича ўз ваколатлари доирасида чоралар кўриши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқишда жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти, юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар уларнинг розилигисиз, шунингдек, давлат сирини ёхуд қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг ва, агар бу жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини камситадиган бўлса, бошқа ахборотнинг давлат органлари, ташкилотлар ходимлари ва улар мансабдор шахслари томонидан ошкор этилишига йўл қўйилмайди.

Жисмоний ва юридик шахс тўғрисидаги, мурожаатга тааллуқли бўлмаган маълумотларни аниқлашга йўл қўйилмайди. Жисмоний шахснинг илтимосига кўра унинг шахсига доир бирон-бир маълумот ошкор этилмаслиги керак.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш ёки ҳимоя қилиш мақсадида давлат органларига, ташкилотларга ва уларнинг мансабдор шахсларига мурожаат этганлиги, шунингдек, мурожаатларда ўз фикрини билдирганлиги ва танқид қилганлиги муносабати билан таъқиб этиш ман этилади.



---

---

## **МУРОЖААТЛАРНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

---

---

Мурожаатлар уларда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколати доирасига кирадиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига бевосита ёхуд бўйсунув тартибда юқори турувчи органга берилади.

Жисмоний ва юридик шахслар мурожаатни мустақил равишда беришга, шунингдек, бу борадаги ваколатни ўз вакилига беришга ёхуд мурожаатни почта алоқаси воситалари орқали ёки электрон шаклда юборишга ҳақли. Вояга етмаганлар, муомалага лаёқатсиз ва муомала лаёқати чекланган шахсларнинг манфаатларини кўзлаб мурожаатлар уларнинг қонуний вакиллари томонидан қонунчиликда назарда тутилган тартибда берилиши мумкин.

Мурожаатга у бўйича илгари қабул қилинган мавжуд қарорлар ёки уларнинг кўчирма нусхалари, шунингдек, уни кўриб чиқиш учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар илова қилиниши мумкин, мазкур ҳужжатлар қайтарилмайди, мурожаат этувчи уларни қайтариш ҳақида ёзма ариза берган ҳоллар бундан мустасно. Кўрсатиб ўтилган ҳужжатлар мурожаат тааллуқлилиги бўйича бошқа давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига юборилганда мурожаатга илова қилиниши керак.

Мурожаат почта алоқа воситаси орқали конвертда келиб тушганда конвертда мурожаат ва унга иловалар мавжудлиги текширилади. Конвертда мурожаат мавжуд бўлмаса ёки у шикастланган бўлса, шунингдек, мурожаатда кўрсатилган иловалар мавжуд бўлмаса, далолатнома тузилиб, унинг бир нусхаси мурожаат этувчига конвертда кўрсатилган манзил бўйича юборилади.

Мурожаатларни бериш муддатлари, қоида тариқасида белгиланмайди. Айрим ҳолларда, агар давлат органининг, ташкилотнинг ёки улар мансабдор шахсларининг мурожаатни кўриб чиқиш бўйича имкониятларига, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини

Ўз вақтида амалга ошириш ва ҳимоя қилишни таъминлаш заруратига боғлиқ бўлса, шунингдек, қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа асосларга кўра мурожаатни бериш муддати белгиланиши мумкин.

Бўйсунув тартибида юқори турувчи органга ариза ёки шикоят жисмоний ёки юридик шахсга унинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини бузувчи ҳаракат (ҳаракатсизлик) содир этилганлиги ёхуд қарор қабул қилинганлиги маълум бўлган пайдан эътиборан узоғи билан бир йилдан кечиктирмай берилади.

Ариза ёки шикоят беришнинг узрли сабабга кўра ўтказиб юборилган муддати аризани ёки шикоятни кўриб чиқувчи давлат органи, ташкилот ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси томонидан тикланади.

Давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган мурожаат ўша куннинг ўзида, иш вақти тугаганидан кейин келиб тушган тақдирда эса, кейинги иш куни рўйхатдан ўтказилиши керак.

Мурожаатни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди.

Давлат органларида, ташкилотларда мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш дафтари юритилиб, унда мурожаатнинг тартиб рақами ва келиб тушган санаси, мурожаат этувчи жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), юридик шахснинг номи, мурожаатнинг қисқача мазмуни, ижроси тўғрисидаги белги, шунингдек, бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Давлат органлари, ташкилотлар мурожаатлар билан ишлашда электрон ҳужжат айланиши тизимини жорий этиши мумкин.

Давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган мансабдор шахсга оммавий қабуллар вақтида тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларни рўйхатдан ўтказиш талаб қилинмайди. Бунда жисмоний шахснинг ёки юридик шахс вакилининг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар, мурожаатнинг қисқача мазмуни, шунингдек, уни кўриб чиқиш натижаси оммавий қабул баённомасида кўрсатилади.

---

---

## **МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ ВА МУДДАТЛАРИ**

---

---

Давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар шу орган, ташкилот томонидан ёки мурожаатларни кўриб чиқиш бўйича зиммасига мажбуриятлар юклатилган мансабдор шахслар томонидан кўриб чиқилади.

Давлат органига, ташкилотга келиб тушган мурожаатлар бўйсунув тартибида қуйи турувчи бўлинмаларга ҳам юборилиши мумкин.

Агар мурожаатда давлат органлари, ташкилотларнинг бир нечта таркибий бўлинмаларига тааллуқли масалалар мавжуд бўлса, уларнинг барчаси мурожаатни кўриб чиқиш бўйича ижрочилар этиб белгиланади. Ижрочилар ўртасида биринчи кўрсатилган таркибий бўлинма мурожаатнинг кўриб чиқилишини бошқа таркибий бўлинмалар билан биргаликда таъминлайди.

Мурожаатни тўлиқ, холисона ва ўз вақтида кўриб чиқиш учун қўшимча маълумотлар, маълумотномалар ва материалларга зарурат пайдо бўлган тақдирда, мазкур мурожаатни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчидан, шунингдек, ўз ваколатлари доирасида бошқа давлат органларидан, бошқа ташкилотлардан ва мансабдор шахслардан қўшимча ахборотни сўраб олиши мумкин.

Агар ахборот давлат сирини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкилот этувчи маълумотларни ўз ичига олган бўлмаса, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларига, жамият ва давлат манфаатларига зарар етказмаса, давлат органлари, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ўзларидан сўралаётган ахборотни ўн кун ичида тақдим этиши шарт.

Мурожаатларни кўриб чиқаётган давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари зарур ҳолларда, мурожаатнинг жойнинг ўзига бориб кўриб чиқилишини таъминлаши мумкин.

Агар мурожаатда қўйилган масалалар хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятига дахлдор бўлса, уларнинг вакиллари

муурожаатларни кўриб чиқишда иштирок этиш учун давлат органлари томонидан ўз ваколатлари доирасида жалб этилади.

Агар муурожаатни кўриб чиқишда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини текшириш, шу жумладан, молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш (тафтиш қилиш) зарурати юзага келса, текшириш қонунчиликка мувофиқ амалга оширилади.

Ариза ёки шикоят масалани мазмунан ҳал этиши шарт бўлган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан – 15 кун ичида, қўшимча ўрганиш ва (ёки) текшириш, қўшимча ҳужжатларни сўраб олиш талаб этилганда эса, – 1 ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.



Ариза ва шикоятларни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материалларни сўраб олиш ёхуд бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, уларни кўриб чиқиш муддатлари тегишли давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари томонидан истисно тариқасида – узоғи билан 1 ойга узайтирилиши мумкин, бу ҳақда муурожаат этувчига хабар қилинади.

Таклиф давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсига келиб тушган кундан эътиборан 1 ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади, қўшимча ўрганишни талаб этадиган таклифлар бундан мустасно бўлиб, бу ҳақда таклифни киритган жисмоний ёки юридик шахсга 10 кунлик муддатда ёзма шаклда хабар қилинади.

---

---

## **ВОЯГА ЕТМАГАН ШАХСЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ**

---

---

Вояга етмаган шахслар ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши масалалари юзасидан давлат органларига, ташкилотларга ёки уларнинг мансабдор шахсларига қонунда белгиланган тартибда мустақил равишда мурожаат беришга ҳақли. Давлат органлари, ташкилотлар ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаган шахснинг мурожаатларини кўриб чиқиш унинг қонуний вакиллари, шунингдек, васийлик ва ҳомийлик органлари иштирокида амалга оширилиши мумкин.

Вояга етмаган шахслар тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаганлиги сабабли уларнинг мурожаатларини кўриб чиқмасдан қолдиришга йўл қўйилмайди.

Мурожаатда қўйилган масалаларни ҳал этиш ўз ваколатига кирмайдиган давлат органлари, ташкилотлар, шунингдек, уларнинг мансабдор шахслари мурожаатни тегишли давлат органига, бошқа ташкилотга ёки мансабдор шахсга ёхуд васийлик ва ҳомийлик органига юбориши шарт.



---

---

## **АЙРИМ МУРОЖААТЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ТАРТИБИ**

---

---

Такрорий мурожаатлар умумий асосларда кўриб чиқилади, мурожаатларни кўриб чиқиш тугатиладиган ҳоллар бундан мустасно.

Қўйилган масалаларни ҳал этиш ўзининг ваколати доирасига кирмайдиган давлат органига, ташкилотга ёки уларнинг мансабдор шахсларига келиб тушган мурожаатлар беш кунлик муддатдан кечиктирмай тегишли органларга, бошқа ташкилотларга ва мансабдор шахсларга юборилиб, бу ҳақда мурожаат этувчига ёзма ёхуд электрон шаклда хабар қилинади. Бунда келиб тушган электрон мурожаат электрон шаклда юборилиши мумкин.

Мурожаатларни кўриб чиқиш учун асоссиз равишда бошқа давлат органларига, ташкилотларга ўтказиш ёхуд қарорлари ёки ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилинаётган органларга, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш тақиқланади.

Агар мурожаатларда уларни тегишли давлат органларига, ташкилотларга ёки мансабдор шахсларга юбориш учун зарур маълумотлар мавжуд бўлмаса, бу мурожаатлар мурожаат этувчига беш кунлик муддатдан кечиктирмай асослантирилган тушунтириш билан қайтарилади.

Агар мурожаатни кўриб чиқиш давомида мурожаатнинг дубликати келиб тушса, мазкур мурожаат аввал келиб тушган мурожаат билан биргаликда кўриб чиқилади.

Агар мурожаатнинг дубликати мурожаат кўриб чиқилганидан ва жавоб юборилганидан кейин келиб тушса, бу ҳақда давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари мурожаат этувчини тегишли тартибда хабардор қилади.

Мурожаатларнинг турларига киритилмаган хатларни (ташаккурномалар, табрикномалар, таклифномалар, фикр-мулоҳазаларни) кўриб чиқиш давлат органлари, ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахслари томонидан уларнинг ўз ихтиёрига кўра амалга оширилади.

---

---

## МУРОЖААТЛАРГА ЖАВОБЛАР

---

---



» *Мурожаатларни кўриб чиқиш натижаларига кўра давлат органи, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахслари томонидан қарор қабул қилинади, бу ҳақда мурожаат қилувчига дарҳол ёзма ёки электрон шаклда хабар қилинади.*

Мурожаатга жавобни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг мансабдор шахси имзолайди.

Жамоавий мурожаатларга жавоб, агар мурожаатда жавобни бошқа шахсга юбориш талаб этилмаган бўлса, мурожаат қилувчиларнинг рўйхатида биринчи кўрсатилган шахсга юборилади.

Мурожаат, агар унда қўйилган барча масалалар Қонун талабларига мувофиқ кўриб чиқилган ва мурожаат қилувчига тегишли жавоб юборилган тақдирда, кўриб чиқилган ҳисобланади.

Мурожаатларга жавоблар мумкин қадар мурожаат этилган тилда баён қилинади, жавоблар мурожаатда кўрсатилган ҳар бир масала бўйича важларни инкор этувчи ёки тасдиқловчи аниқ асосларни (заруратга қараб қонунчилик ҳужжатлари нормаларига ҳаволалар қилинган ҳолда) ўз ичига олган бўлиши керак.

Оммавий қабуллар вақтида давлат органининг раҳбарига ёки ваколат берилган бошқа мансабдор шахсига келиб тушган ва жойида ҳал этилган оғзаки мурожаатларга ёзма жавоб ёки электрон шаклдаги жавоб талаб этилмайди.

## МУРОЖААТЛАРНИ КЎРМАЙ ҚОЛДИРИШ ВА УНИ КЎРИБ ЧИҚИШНИ ТУГАТИШ

Баъзан мурожаатлар белгиланган талабларга мос келмаслиги ва тегишли ҳужжатлар илова қилинмаганлиги оқибатида кўрмасдан қолдирилиши ҳам мумкин. Шунинг учун мурожаатларни йўллаётганда унга қўйиладиган талабларни билиб олиш муҳим ҳисобланади.

Қуйидаги мурожаатлар кўриб чиқилмайди:

- ✘ аноним мурожаатлар;
- ✘ жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари орқали берилган мурожаатлар, уларнинг ваколатини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлмаган тақдирда;
- ✘ Қонунда белгиланган бошқа талабларга мувофиқ бўлмаган мурожаатлар.



**Аноним мурожаат** – жисмоний шахснинг фамилияси (исми, отасининг исми), унинг яшаш жойи тўғрисидаги маълумотлар ёки юридик шахснинг тўлиқ номи, унинг жойлашган ери (почта манзили) тўғрисидаги маълумотлар кўрсатилмаган ёхуд улар ҳақида ёлғон маълумотлар кўрсатилган мурожаат, шунингдек, уни идентификация қилиш имкониятини бермайдиган электрон мурожаат ёхуд имзо билан тасдиқланмаган ёзма мурожаатдир.



- Мурожатлар кўрмай қолдирилганда тегишли хулоса тузилади, у давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ва- колат берилган мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.
- Жисмоний ва юридик шахс вакилининг ваколатини тас- диқловчи хужжатлар мавжуд эмаслиги сабабли мурожатлар кўрмай қолдирилганлиги туфрисида мурожат қилинган тартибда ҳабардор қилинади.
- Мурожатларни кўриб чиқиш қуйидаги ҳолларда тутатилади:
- агар такрорий мурожатларда янги важлар ёки янгида оқилган ҳолатлар келтирилмаган бўлса, илгариги мурожат материалларида эса текширувларнинг тула-туқис матери- аллари мавжуд бўлса ва мурожат қилувчига белгиланган тартибда жавоблар берилган бўлса;
  - агар мурожат қилувчи ўз мурожатини белгиланган тар- тибда қақриб олган бўлса ёки уни кўриб чиқишнинг тутатиш туфрисида илтимос қилган бўлса;
  - яшаш жойи, турган жойи (почта манзили), электрон почта манзили ёки бошқа реқвизитлари ўзгарганлиги туфрисида ўз вақтида ҳабардор қилмаганлиги тўғрисида маълумоти им- конини ўққлиги сабабли мурожатини мурожат қилувчининг иштирокисиз кўриб чиқиш имконияти сабабли, давлат орга- ни, ташкилот ёки уларнинг мансабдор шахси томонидан қақрилган мурожат қилувчи келмай қолган тақдирда;
  - агар мурожат қилувчи жисмоний шахс вафот этганидан сўнг мурожатни кўриб чиқиш ҳуқуқий ворисликка йўл қўймас.
- Мурожатни кўриб чиқишнинг тутатиш туфрисидаги қарорни давлат органининг, ташкилотнинг раҳбари ёки уларнинг ваколат берилган мансабдор шахси қабул қилади.
- Юқорида санаб ўтилган ҳолатларда мурожат этувчи белги- ланган муддатда ҳабардор қилиниши шарт ҳисобланади.

---

---

## **МУРОЖААТЛАР ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНЧИЛИК ҲУЖЖАТЛАРИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ЖАВОБГАРЛИК МАСАЛАЛАРИ**

---

---

Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бузиш маъмурий ёки жиноий жавобгарликка сабаб бўлади.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 43-моддасига мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик мансабдор шахсларга базавий ҳисоблаш миқдорининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жиноят кодексининг 144-моддасига кўра, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини қабул қилиш ва кўриб чиқишни қонунга хилоф равишда рад этиш, уларни кўриб чиқиш муддатларини узрли сабабларсиз бузиш, ёзма ёхуд электрон шаклда жавоб юбормаслик, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликка зид қарор қабул қилиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари тикланишини, мурожаат муносабати билан қабул қилинган қарорнинг бажарилишини таъминламаганлик ёки мурожаат муносабати билан маълум бўлиб қолган жисмоний шахсларнинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ёхуд юридик шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни уларнинг розилигисиз ошкор этиш, худди шунингдек жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонунчиликни бошқача тарзда бузиш жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқларига, эркинликларига ёки қонун билан қўриқланадиган

манфаатларига ёхуд жамият ва давлат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараварига-ча миқдорда жарима;
- ёки уч юз соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- ёхуд икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Жисмоний шахсни, унинг вакилини, уларнинг оила аъзоларини, юридик шахсни, унинг вакилини ва юридик шахс вакилининг оила аъзоларини улар давлат органига, давлат муассасасига ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига мурожаат қилганлиги муносабати билан ёхуд билдирилган фикри ва мурожаатидаги танқид учун, худди шунингдек бошқача шаклда танқид қилганлиги учун мансабдор шахс томонидан таъқиб этиш:

- базавий ҳисоблаш миқдорининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима;
- ёки уч юз соатдан уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари;
- ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари;
- ёхуд бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш;
- ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

# СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАРГА ОИД НОРМАТИВ- ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР РЎЙХАТИ

Қўлланма фойдаланувчиларига сиёсий ҳуқуқларга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни топиш тез, осон ва қулай бўлиши учун ҳужжатларнинг номи, қабул қилинган санаси ва рақами билан берилади:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси;
2. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодекси;
3. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси;
4. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 22 апрелдаги «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги ЎРҚ-350-сон Қонуни;
6. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 30 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг референдуми тўғрисида»ги 265- II-сон Қонуни;
7. Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 12 апрелдаги «Жамоатчилик назорати тўғрисида»ги ЎРҚ-474-сон Қонуни;
8. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 2 декабрдаги «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгаши депутатининг мақоми тўғрисида»ги 706-II-сон Қонуни;
9. Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 6 декабрдаги «Қасаба уюшмалари тўғрисида»ги ЎРҚ-588-сон Қонуни;
10. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисида»ги 223-XII-сон Қонуни;
11. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрдаги 337-I-сон «Сиёсий партиялар тўғрисида»ги Қонуни;
12. Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 30 апрелдаги «Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисида»ги 617-II-сон Қонуни;
13. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 11 сентябрдаги «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги ЎРҚ-445-сон Қонуни;

## СИЁСИЙ ҲУҚУҚЛАР

(амалий қўлланма)

Нашр учун масъуллар:	<i>Ф. Тожиев, Ш. Бахронов</i>
Муҳаррирлар:	<i>Ш. Абдуллаев, Д. Иргашева</i>
Тузувчи:	<i>Л. Розимова</i>
Компьютерда саҳифаловчи:	<i>Ж. Ғофуров</i>

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қошидаги  
«Адолат» миллий ҳуқуқий ахборот маркази.  
Нашр. лиц. АИ № 032, 29.10.2019 й.  
Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 19-уй.  
Телефонлар: 71-233-28-18, 71-280-55-47  
Веб-сайт: [www.adolatmarkazi.uz](http://www.adolatmarkazi.uz)  
e-mail: [info@adolatmarkazi.uz](mailto:info@adolatmarkazi.uz)

Босишга рухсат этилди 30.11.2021 й.  
Қоғоз бичими 60x84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub> «Segoe UI» гарнитураси.  
Офсет усулида чоп этилди. Босма табоғи 6.  
Нашриёт ҳисоб табоғи 5,5. Адади 1 000 нусха.  
3-бўйртма. Нархи шартнома асосида.

**«PREMIUM POLIGRAF BIZNES» МЧЖда чоп этилди.**  
**Тошкент ш., Чилонзор тумани, Д20-мавзе, 9-уй.**